

Мумтоз адабиёт
дурдоналари

ФУЗУЛИЙ

Қалб
гавҳари

821.512 162-1

Ф 96

Мумтоз адабиёт
дурдоналари

ФУЗУЛИЙ
*Қалб
гавҳари*

«HILOL-NASHR»
Тошкент
2014

УЎК 821.512.133-1

КБК.84(5Ў)1

Ф96

Оташнафас шеърлари билан туркий халқларнинг муштарак шоирига айланиб кетган, асрлар давомида туркий шеъриятга кучли таъсир кўрсатиб келган Муҳаммад Сулаймон ўгли Фузулий ўзбек халқи орасида ҳам машҳур. Утмишда ҳофизхонлик, навоийхонлик, бедилхонлик қатори фузулийхонлик ҳам кенг тарқалган, шоир асарлари мадрасаларнинг уқув дастурига киритилган эди.

Юртимизда Фузулийнинг ҳассос шеър ва қўшиқлари кириб бормаган ўзбек хонадони йўқ десақ, муболага қилмаган бўламиз. Шеърият шинавандаларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб тузилган ушбу тўғлам соҳир сўз санъаткорининг энг машҳур ва бадий баркамол газаллари, таржеъбандлари, таркиббанди, мухаммаслари, мусаддаси, мураббаълари, қитъалари ва рубоийлари ҳамда «Форсий девон»идан таржима қилинган намуналарни ўз ичига олади.

Тутувчи ва сўзбоши муаллифи:

Эргаш ОЧИЛОВ,

филология фанлари номзоди

Жамоатчилик кенгаши:

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Муроджон Маъсуров

Тоҳир Малик

Эркин Малик

Баҳодир Қаримов

Аҳмад Муҳаммад

Ҳасанхон Яхё Абдулмажид

Ҳусайнхон Яхё Абдулмажид

Эргаш Очилов

Тақризчи:

Баҳодир ҚАРИМОВ,

филология фанлари доктори

Масъул муҳаррир:

Аҳмад МУҲАММАД

Ф96

Фузулий

Қалб гавҳари – Т.: «Hilol-Nashr» 2014. – 432 б.

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)1

INV №

2023/32-29

ISBN 978-9943-4448-3-6

© Фузулий

© «HILOL-NASHR» папирети. 2014.



БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

СЎЗБОШИ

Буюк Роббимиз Аллоҳ таолога У Зотнинг азамати ва кибриёсига муносиб беҳисоб ҳамду саноларимиз бўлсин!

Суюкли Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга, у зотнинг аҳли байтлари ва саҳобаларига беҳисоб саловоту саломларимиз бўлсин!

Халқимиз маънавиятига муносиб улуш қўшишни, юрда маърифат тарқатишни ўзига шиор қилиб олган «Ҳилол-нашр» нашриёти томонидан нашрга тайёрланган яна бир китоб сиз, азизларимизнинг маънавий мулкига айланганидан бениҳоя мамнунмиз. Ҳозиргача ёзма адабиётимизнинг асосчиси, «ғазал мулкининг султони», улуғ ўзбек ислом шоири Алишер Навоийнинг «Навоийдан чу топқайлар навое» асарлар тўплами, уйғур адиби Азизийнинг «Фаридиддин Аттор» бадиаси, улуғ туркман шоири Махтумқулининг «Булбул ноласи» шеърӣй китоби мухтарам ўқувчиларимиз ҳукмига ҳавола қилинган эди. Бугун эса улуғ озарбайжон шоири, хассос ғазалхон Фузулийнинг асарлар тўпламини сизларга тақдим этяпмиз.

Фузулий Карбалода туғилиб, Озарбайжонда ижоди камолга етган бўлса-да, у халқимиз орасида ҳам маълуму машҳур бўлган, шеър-ғазалларини зиёлиларимиз ёддан билишган, унинг асарлари мадрасаларимизда ўқитилган. Бу улкан шоирнинг асарларидан таъсирланмаган ўзбек шоири ва адиби кам бўлган, ҳатто Абдулла Қодирийдек сўз устаси Фузулий но-

мини ҳар иккала рӯмонида ҳам тилга олиб ўтган. Унинг бир канча ғазаллари куйга солиниб, ҳозиргача куйлаб келинади.

Бу бежизга эмас. Чунки Фузулий том маънода илоҳий ишкнинг, Аллоҳга ошиқликнинг куйчиси эди. Унинг барча асарларида тавҳид нурлари жилоланиб туради, банданинг Аллоҳ розилигини топиш орзуси тараннум қилинади, Ёр ва Ошиқ муносабатлари тилга олинади. Фузулий асарларини нашрга тайёрлаган заҳматкаш олимимиз Эргаш Очилов таъкидлаганларидай, «Фузулий шеърятининг асосий мавзуси ҳам, ҳаракатлантирувчи кучи ҳам, бу шеърларни ичдан нурлантириб турган қувват манбаи ҳам, уларни жозибали ва севимли қилган ҳам – барча-барчаси илоҳий ишқ. Шоир учун ишқ – устоз, ишқ – шогирд, ишқ – дўст, ишқ – маҳрам, ишқ – ҳаёт мазмуни, ишқ – яшаш шарти, ишқ – инсонийликдан мақсад, ишқ – камолот калити, ишқ – Аллоҳга етиш кафолати, ишқ – қалбдаги гавҳар, ишқ – бошдаги афсар (тож), ишқ – кўзлардаги нур, кўйингки, ишқ – ҳамма нарса!»

Ушбу китобнинг халкимиз учун манфаатли асарлардан бўлишидан, Фузулий асарларининг мухлисларига гўзал бир тухфа сифатида қабул қилинишидан умидвормиз. Шу билан бирга мухтарам шоир ва адибларимиз, тадқиқотчи олимларимиздан мумтоз адабиётимиз дурдоналарини халкимизга етказишдек муҳим ва савобли ишда «Ҳилол-нашр» нашриёти билан бевосита ҳамкорлик қилиб, халкимиз маънавиятини бойитиш ишида уларга кўмаклашишларини сўраймиз. «Ҳилол-нашр»нинг эшиклари ҳамма учун ҳамиша очик!

Шайх Муҳаммад Содиқ МУҲАММАД ЮСУФ

2014 йил 5 октябрь, Тошкент

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ МУШТАРАК ШОИРИ

Оташнафас шеърлари билан туркий халқларнинг муштарак шоирига айланиб кетган, асрлар давомида туркий шеърятга кучли таъсир кўрсатиб келган Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий 1498 йили Ирокнинг Карбало шаҳрида туғилган. Отаси Озарбайжоннинг Баёт кабиласидан бўлиб, XV аср ўрталаридаги сиёсий нотинчлик туфайли кўплаб қабилadoшлари катори ўрта асрнинг маданий марказларидан бўлган Бағдодга кўчиб боради.

Фузулийнинг ёшлиги шох ва шоир Исмоил Хатоний ҳукмронлик қилган, озарбайжон тили, адабиёти ва маданияти гуллаган даврга туғри келади. «Бу адабиёт туркий халқлар адабиёти орасида Навоий адабий мактабидан кейинги энг илғор адабий мактаб эди»¹. У Карбалодаги бошланғич мактабда саводини чиқариб, сўнг Бағдод мадрасаларида таҳсилини камолга етқзади, ўзи ҳам мударрислик қилади. Унинг бир ўғли бўлиб, Фазлий тахаллуси билан шеърлар ёзган ва ўз замонида анча шуҳрат қозонган.

Жуда ёшлигидан кўлига қалам олган Фузулий бой адабий анъанага эга бўлган форсий ва туркий адабиётнинг Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Хоконий Ширвоний, Мужрим Байлаганий, Салмон Соважий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Имоиддин Насимий, Атоий, Лугфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби атоқли сўз санъаткорлари ижодини меҳр билан ўқиб-ўрганиб, уларнинг маҳорат сирларидан баҳраманд бўлади. Унинг

¹ Расул Х. Муҳаммад Фузулий (Сўзбоши) // Муҳаммад Фузулий. Асарлар. Икки жилдли. 1-жилд. Девон. – Тошкент, 1968. 8-бет

шеърятдаги илк устози озарбайжон мумтоз адабиётининг таникли намояндаси Ҳабибий эди. Шоир ижодига, айниқса, Лутфий билан Навоий кучли таъсир кўрсатган.

Фузулий нуқтаи назарига кўра, шоир барча диний ва дунёвий илмлардан хабардор, халқ тарихи ва маданияти, кадрият ва анъаналарини чуқур биладиган, дунёқараши кенг, донишманд ва аллома даражасидаги киши бўлиши керак. «Зероки, илмсиз шеър асоси йўқ девор ўлур ва асоссиз девор ғоятда безътибор ўлур»¹, дейди шоирнинг ўзи бу ҳақда девонига ёзган дебочасида. Шунинг учун у шоирлиги муқаррар бўлгач, умрининг бир қисмини сарфлаб, турли илмларни эгаллаганини айтади. Асарларининг мазмунан теран, фалсафий жиҳатдан қуюқлиги, ҳикмат даражасидаги фикр-мулоҳазаларга бойлиги Фузулийнинг ўз даврининг ҳар жиҳатдан етук, фозил ва мутафаккир кишиси бўлганидан далолат беради. Замондошлари уни бежиз Мавлоно деб аташмаган.

Фузулий бутун умр моддий жиҳатдан қийналиб яшаган. У шоҳу амалдорлар, ҳокиму дин арбобларига бағишлаб кўплаб қасидалар битганига қарамай, ўзи кутган ёрдамни ололмаган. «Масалан, 1534 йилда Бағдод шаҳрини фатҳ этиши муносабати билан усмонли турк султони Қонуний Султон Сулаймонга бағишланган «Келди буржи авлиёйа подшоҳи номдор» дея бошланувчи қасидаси машҳур. Шунингдек, усмонли салтанатининг давлат арбоби – садри аъзам Макбул Иброҳим Пошшо, козиаскар Абдулқодир Чалабий, нишончи Жалолзода Мустафо Чалабий, Бағдод ҳокимлари Иброҳим Хон Мусулий, Увайс, Жаъфар, Аёз ва Муҳаммад Пошшоларга ҳам қасидалар битган»². Султон Сулаймон марҳамат кўрсатиб, шоирга

¹ Расул Х. Муҳаммад Фузулий. 20-бет.

² Жўрабоев О. Фузулийнинг «Сув қасидаси» // «Ўзбек тили ва адабиёти», 2006 йил, 5-сон, 45-бет.

кунига тўққиз ақчадан нафақа тайинлаган бўлса-да, у бу пулни ололмаган ва Мустафо Чалабий номига ўзининг машҳур «Шикоятнома»сини ёзган. Форсий касидаларидан маълум бўлишича, у диний доираларга яқин бўлган ва асосан уларнинг қўллаб-қувватлаши ҳисобига тирикчилигини ўтказган¹.

Ирокнинг Бағдод, Ҳилла, Нажаф каби қатор шаҳарларида бир қанча муддат яшаган Фузулий она шахри Карбалога қайтиб, 1556 йили шу ерда вабо касалидан вафот этган.

Фузулий ўзидан бой адабий-фалсафий мерос қолдирган: шеърий девони, «Лайли ва Мажнун» достони, «Матлаъул-эътиқод» («Эътиқоднинг бошланиш жойи») фалсафий рисоласи, «Ҳадикатус-суадо» («Бахтиёрлар боғи»), «Сухбатус-асмор» («Мевалар мунозараси»), «Шикоятнома», «Банг ва бода», «Анисул-қалб» («Қалб дўсти»), «Етти жом» («Соқийнома» деб ҳам юритилади), «Ринд ва Зоҳид», «Сихҳат ва Мараз» («Соғлиқ ва Беморлик») каби ўнлаб назмий-насрий, фалсафий-дидактик асарлар шулар жумласидан. Шунингдек, у араб ва форс тилларида ҳам маҳорат билан қалам тебратган забардаст зуллисонайн шоир ҳисобланади. У бадиий юксак асарлари билан озарбайжон адабиётини янги босқичга кўтарди.

Ғазал билдирур шоиринг кудратин,

Ғазал орттирур нозиминг шухратин², –

деб ёзган Фузулий ижодида ғазал етакчи ўрин тутади: унинг девонидан уч юзга яқин ғазал, етмиш беш рубой, қирқ иккита қитъа, бир неча таржеъбанд, таркиббанд, мухаммас ва мураббаълар ўрин олган. У Шарқ мумтоз сўз санъатидаги забардаст қасиданавислардан бири ҳам ҳисоб-

¹ Бу ҳақда қаранг: А р а с л и Г. Великий азербайджанский поэт Физули. – Баку, 1958. С. 58–61.

² М у х а м м а д Ф у з у л и й. Асарлар. 1-жилд. 21-бет.

ланади – шоирнинг туркий девонида – 27, форсий девонида – 46, арабий девонида – 12 қасида мавжуд¹. Қасидалари ғазаллари ва бошқа жанрдаги асарларидан тил ва услуб жиҳатидан бир қадар мураккаблиги билан ажралиб туради.

Маълумки, ҳар бир пайғамбарнинг бир мўъжизаси бўлган. Исо алайҳиссаломнинг мўъжизаси эса Аллоҳнинг изни билан ўликларга жон ато этиш эди. Шунга ишора қилиб, Шарк мумтоз адабиётида ўзининг хассос, оташнафас шеърлари билан кўнгилларга ўт соладиган, муз юракларни эритадиган шоирларни «исонафас» деб улуғлашган. Чунончи, Навоий ўзининг ғазалчиликдаги устозларини санар экан, «Бири исонафаслик ринди Шероз» деб, Ҳофиз Шерозийга ишора қилади². Ўзининг оташин шеърлари билан туркий адабиётнинг Ҳофиз Шерозийси номини олган Фузулийни³ ҳам айни жиҳатдан «исонафас» деб таърифласак, муболаға бўлмас. Чунки Фузулий шеърлари турмуш ташвишлари, ҳаёт машаққатлари гирдобида ҳалокатга маҳкум дилларни уйғотиб, уларга қайта ҳаёт бахш этади, занг босган юракларни муҳаббат, олижаноб туйғулар ўтида поклаб, юксак самовий ҳисларга ошно қилади.

Фузулий – дилўртар шоир. Унинг шеърларини хотиржам, сокин ўқиб бўлмайди. Бу шеърлар катида яширин ўтли туйғулар, шоирнинг ҳароратли нафаси, ишқ тандирига айланган ошиқ қалбининг қайноқ ҳовури сизни ҳам чулғаб олади.

Фузулий шеърляти – буюк бир ишқ чашмаси. Шоир ғазаллари ана шу чашмадан тўлдирилган лиммо-лим май

1 Жўрабоев О. Фузулийнинг «Сув қасидаси». 46-бет.

2 Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ўнгирма жилдли. 6-жилд. – Тошкент, 1990. 516-бет.

3 Бу ҳақда қаранг: Жалолов Т. Фузулий (Сўзбоши) // Фузулий. Девон. – Тошкент, 1959.5–6-бетлар.

кадахига ўхшайди. Бу май ўз ичкучисини масту хумор қилмай қўймайди. Шунинг учун ҳам у асрлар давомида ошуфта кўнгиллар куйчиси сифатида ардоқланиб келади.

Фузулий шеърятининг асосий мавзуси ҳам, ҳаракатлантирувчи кучи ҳам, бу шеърларни ичдан нурлантириб турган қувват манбаи ҳам, уларни жозибали ва севимли қилган ҳам – барча-барчаси илоҳий ишк. Шоир учун ишк – устоз, ишк – шоғирд, ишк – дўст, ишк – маҳрам, ишк – ҳаёт мазмуни, ишк – яшаш шарти, ишк – инсонийликдан мақсад, ишк – камолот калити, ишк – Аллоҳга етиш қафолати, ишк – калбади гавҳар, ишк – бошдаги афсар (тоғ), ишк – кўзлардаги нур, қўйингки, ишк – ҳамма нарса!

Сарманзили ҳар мурода раҳбардир ишк,

Кайфияти ҳар камола мазҳардир ишк,

Ганжинаи кинота гавҳардир ишк,

Ҳар зоҳир ўлан нашъая масдардир ишк.

Бу ишкқа соҳиб бўлиш учун унинг беҳаду беҳисоб синовлари, чексиз-чегарасиз ранжу машаққатлари, ибтидою интиҳоси йўқ азобу ҳижронларидан кўркмайдиган, уларга сабр эта биладиган, маъшуканинг барча нозу қарашмаларини кўтара оладиган ва бундан инжимайдиган, бу йўлда тақдирнинг найранглари, чархи кажрафторнинг турфа ўйинларига матонат билан чидайдиган мард ва танти, олижаноб ва ҳимматли, журъатли ва шижоатли Ошиқ бўлиш керак. Фузулий ўзини ана шундай ошиқ ҳисоблайди ва бу ошиқлик қошида Фарҳоду Мажнунларни бор-йўғи бир шоғирдвачча санайди. Менинг ишк йўлидаги шижоатим олдида Фарҳод ўз куч-қудратидан лоф урмаса ҳам бўлади, чунки у битта тоғни казиш учун мингта тешани ўтмас қилган бўлса, мен мингта тоғни биттагина тирноғим билан кўпоришга кодирман, дейди:

Кўхкан кунд айламиш минг тешайи бир тоғ илан,
Ман кўпоруб солмишам минг тоғи бир тирноғ илан.

Жоним чикса ҳам, ўзим ишқ йўлидан чикмайман, дейди
шоир бошка бир шеърида, шунинг учун менинг қабримни
ишқ аҳли ўтиб-қайтадиган йўл устида тикланг:

Эй Фузулий, чикса жон, чикмам тариқи ишқдин,

Раҳгузори аҳли ишқ узра қилинг мадфан манго.

У ишқ йўлида шунчалик содиқки, қани мингта жоним
бўлса, уларни битта-битта сенга фидо килардим, дейди:

Минг жон ўлайди кошқи ман дилшикастада,

То ҳар бир ила бир гез ўлайдим фидо Санга.

Ишқнинг мумтоз шеъриятда бу қадар улуғланишининг
сабаби – унинг камолот воситаси эканида. Чунки бу ишқ
Аллоҳга аталган ва ўз Парвардигорини севган ҳамда унинг
васлига интилган, рози-ризалигини истаган банда ўзидаги
кусурлардан кутулишга ва фазилатлар касб этишга ҳаракат
килади. Зеро, Парвардигори олам фақат комил инсонлар-
ни севади ва уларни ўзига яқин тутади. Шунинг учун ҳам
Фузулий айтадики, мен ишқни сира тарк этмайман, зеро, у
пировард-натихада мени камолга эриштиради:

Эй Фузулий, қилмазам тарқи тариқи ишқким,

Бу фазилат доҳили аҳли камол айлар мани.

Ишқ асири дунё бандига тушмайди. Ишқ дарди дунё ға-
мини ўзига яқин йўлатмайди. Ишқ шундай бир ўтки, унинг
алангасида тирикчилик ташвишлари, кундалик икир-чи-
кирлар ғами, хою хаваслар ёниб, кул бўлади. Мумтоз
адабиётда ўтнинг ишққа нисбат берилиши, улуғланиши,
ошиқнинг Яратгандан қалбидаги ишқ ўтини янада сарба-
ланд этишини сўраши шундан. Фузулий бу ҳақда ёзади:

Ишқа то душдинг, Фузулий, чекмадинг дунё ғамин,

Билки, қайди ишқ эмиш доми тааллуқдин нажот.

Барча мумтоз шоирлар каби Фузулий ҳам инсонни ҳақ йўлдан оздирувчи, унинг камолотига тўсик бўлувчи, қалбини ўлдирувчи сифатида дунё, нафс, молу давлатни қаттиқ мазаммат этади. Бу дунёга кўнгил бериб, охирида пушаймон бўлмаган киши йўқ. Шунинг учун ҳам ўтмиш сўз санъатида дунё нозу ишва билан ҳаммани йўлдан урадиган, ўзига ошиқу шайдо этадиган, лекин ҳеч кимга вафо қилмайдиган бевафо маъшуқага ўхшатилади. Фузулий ҳам салафлари анъанасини давом эттириб, рубойларидан бирида дунёнинг аввали ҳирсу охири ҳасратдир, дейди:

Адвори замон доираи ҳайрат эмиш,
 Асбоби жаҳон маҳолику меҳнат эмиш.
 Дунёя тамаъ этмамак этмакдин йиг,
 Чун аввали – ҳирсу охири – ҳасрат эмиш.

Мана бу машҳур байтида эса шоир дунёни ҳар ким ўзида борини – дунё аҳли сийму зарини, хунар аҳли фазлу камолини намойиш қиладиган бозорга қиёс этади :

Даҳр бир бозордур – ҳар кас матоъин арз эдар:

Аҳли дунё – сийму зар, аҳли хунар – фазлу камол.

Албатта, Фузулий мутасаввиф шоир бўлган. Шоир шеъриятини тасаввуфдан ажратиб олиб ўрганиш мумкин эмас. Бир қатор шеърларида у еру кўкнинг соҳиби Аллоҳ таолони мадҳ этади, Унга муножотлар қилади, зоҳидларга таъна-маломат тошларини ёғдириб, сўфий ва дарвешларни улуғлайди, факру фанолик мақомига интилади, илоҳий Маҳбубани таъриф-тавсифлаб, ваҳдат шароби мастлигидан сўз очади, ишқу ошиқликни тараннум айлаб, дунёга берилишни қоралайди ва ҳоказо. Чунончи, сўфийлар маҳшарда Аллоҳ жамолини кўриш умиди билан яшайдилар. Аллоҳ ўз жамолини кўрсатса, улар учун дўзах ҳам жаннатдан афзал, аксинча, Аллоҳ ўзини кўрсатмаса, жаннат ҳам дўзахдан баттардир. Бу ҳақда шоир ёзади:

Махшар куни кўрам дерам ул сарвкомати,
Гар онда ҳам кўрунмаса, кел, кўр қиёмати!

Аллоҳга – илоҳий Маҳбубага жондан кечмай туриб етиб бўлмайдим. Бу ишкнинг ҳақиқий қурбонлари абадий барҳаётдирлар. Шоирнинг мана бу байти шу хусусда:

Вермаян жонин санго бўлмас ҳаёти жовидон,
Зиндаи жовид анго дерларки, қурбондир санго.

Тасаввуф аҳли нуктаи назарига кўра, кўнглидан дунё меҳри, тирикчилик ташвишлари, турфа хою хавасларни қувиб, ёлғиз Аллоҳ ишки билан қолган кишининг қалби ойинадай мусаффо бўлиб, унда Парвардигор жамол кўргизади. Комиллик истаган киши ана шу мақомга етиши керак. Фузулий ҳам айни мақомга кўтарилганини таъкидлаб ёзади:

Пок қилди сурагимдан заъф даҳр ойинасин,
Ўйла маҳв ўлдимки, бир зарра ғуборим қолмади.

Яъни, ўзликдан кечиб, Ўзи билан қолдим, демоқчи шоир.

Фузулийнинг бир қатор рубоийлари хайёмона чуқур фалсафий мазмунга эга. Чунончи, қуйидаги рубоий Умар Хайёмнинг бу дунёда доим масту аласт юраман, у дунёга ҳам қайфи тарақ ҳолда кетаман, менинг ҳатто қабримдан ҳам май иси келиб, унинг ёнидан ўтганлар ҳумор бўлади, вужудим гупроққа айланса-ю, ундан кўза қилсалар, ундан ҳам май ҳиди анқийди каби фикрларига ҳамоҳанг:

Хуш улки, дами ажал чекуб бодаи ноб,

Сармаст ётам қабрда то рўзи ҳисоб.

Ғавғои қиёматдадурам масту хароб,

На фикри ҳисоб ўла, на идроқи азоб.

Албатта, мумтоз шеърятда май ҳам, мастлик ҳам мажозий маънода қўлланилиб, илоҳий ишқ ва унга мубталолик назарда тутилади.

Куйидаги рубойсида ўткинчи умрни кадрлашга, фурсатни бой бермай, илму хунар эгаллаш, эзгу ишлар қилишга ундайди. Бағрида гавҳари бўлмаган садафнинг киммати бўлмаганидек, инсонни ҳам илму хунари улуғлайди:

Илму адаб аст мояи иззу шараф,

Гавҳар ки набошад, чи бувад кадри садаф?

То фурсати қор ҳаст, бекор мабош,

Мапсанд, ки беҳуда шавад умр талаф¹.

Шоирнинг форсий ижодига мансуб мазкур рубойнинг мазмуни қуйидагича: «Иззат ва шарафнинг асоси илму адаб ҳисобланади. Гавҳар бўлмаса, садафнинг кадри нима ҳам бўлар эди? То ишлашга фурсат бор экан, бекор ўтирмай бирор иш билан машғул бўл. Умрнинг беҳуда ўтиб кетишига йўл қўйма».

Ёник бир эхтирос, ёруғ бир ҳасрат, самимий кечинмалар, нафис туйғулар билан йўғрилган, фалсафий теран ва бадий мукамал бу шеърлар ҳар қандай сўз ошиғини ўзига мафтун этади. Илохий бир илҳом бўлмаса, бундай жозиб мисраларни ожиз бандасининг яратганига ишонмайсиз. Фузулий ҳар бир мисрасини образлилик асосига куради, ҳар бир фикрини бадий санъатлар билан безайди. Аслида шоирликнинг ўзи гузал ва теран фикрни нафис ва мукамал шаклда ифода этмоқдир. Шу маънода, шоир ижодида шунчаки тизилган сатр, оддий қилиб айтилган фикрлар йўқ. Бутун бошли шеърини биттагина ташбеҳ, деталь ёки фикр асосига курадиган ҳозирги ўзбек шеърятининг навқирон авлоди учун Фузулий ижоди айни жихатдан буюк маҳорат мактаби, улкан тажриба устахонасидир. Чунончи, хавода маъшуқа сочининг иси, сувда оразининг акси бўлгани учун ҳам ҳубоб (қўпик) елни бағрига босиб, сувга қўз тикмиш, дейди шоир бир шеърда:

¹ Гулчини аз гулзори назми Футулий. – Душанбе, 1960. С. 108.

Елда бўлмиш бўйи зулфинг, сувда акси оразинг
Ким, ели бағрина босиб, суя кўз дикмиш хубоб.

Кўпикнинг фақат сув юзида бўлиши-ю, хавода шишиб туришини қандай гўзал ташбеҳ билан таърифлайди шоир. Бошқа бир ўринда эса, маҳбубанинг гавҳар каби тишларининг таърифини сабо денгизга сўйласа, денгиз қаъридаги садаф ичида турган дур ҳам уни берилиб тинглайди дейди:

Баҳра лўълў дишларинг васфин магар сўйлар сабо
Ким, кулоқ тутмиш садаф ичра дури ғалтон анго.

Алишер Навоий каби туркий халқлар орасида Фузулийнинг оташин шеърляти кириб бормаган хонадон йўқ. Маълумки, Шарк халқлари орасида асрлар давомида қиссахонлик ва шеърхонлик кечалари анъана тусини олган эди. Бу ўзига хос адабий давраларда, хусусан, хофизхонлик, навойхонлик, бедилхонлик машхур бўлган. Фузулий ғазаллари ва «Лайли ва Мажнун» достони туркий халқлар ўртасида кенг тарқалган. Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Хофиз Шерозийнинг «Девон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Чор девон» китоблари қаторида, Фузулий асарлари ҳам мадрасаларнинг ўқув дастурига киритилган.

Шоир асарларининг халқимиз орасида қанчалик кенг тарқалгани, ота-боболаримиз унинг ижодини севиб ўқиганлари, ҳикматли байт ва мисраларини такрорлаб юрганларини атоқли адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларидаги лавҳаларда ҳам кўришимиз мумкин. Ота-она орзу-ҳаваси туфайли Зайнабга уйланиш мажбурияти остида қолган ва бу билан севгилиси Кумушнинг қайғусига сабаб бўлган Отабек Фузулийнинг «маънолик шеърлари»дан нажот ахтаради. Шунинг устига келиб қолган Кумуш: «Фузулий яхши китоб,

мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан бошимни ололмас эдим, сизамми?»¹ – дейди.

Маълум бўладики, Фузулий шеърлари дардманд юракларга малҳам, ёлғиз кўнгилларга ҳамдам, ишққа ташна, илмга ошна қалбларга доимий маҳрам бўлиб келган. Ўзи саводсиз бўлса-да, адабиёт муҳиби бўлган оддий халқ вакиллари ҳам бундай шеърят давраларига қатнашиб, улардан баҳраманд бўлганлар. Натижада буюк шоирларнинг ҳикматларидан айримлари уларнинг ҳам қалбига маҳкам ўрнашган. Улар бу ҳикматларга амал қилганлар, бир-бирларига сўйлаб юрганлар, ўз нутқларини безаганлар. Чунончи, «Меҳробдан чаён» романида оддий қоровул Тохир ака Фузулийнинг «Даҳр бир бозордур – ҳар кас матоъин арз эдар» мисрасини келтириб, олам ва одам ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини тасдиқлайди².

Ёки «Лайли ва Мажнун»даги:

Гул гунчалигида хор иландур,

Очилса, бир ўзга ёр иландур, –

мисраларини такрорлаб юрмайдиган шоир мухлиси топилмаса керак. Айни жиҳатдан, халқимизнинг севимли шоири Абдулла Орипов «Озарбайжон» шеърисида:

Бир лаҳза қўлидан қўйганми ўзбек,

Ўзинг айт, Фузулий битган девонни, –

деб ёзганида ҳақ эди.

Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида фалсафий мазмун ва руҳ қуюқ, кучли. Шунга мувофиқ равишда, асар композицияси ҳам бирмунча мураккаб, тили ва услуби ҳам оғир. Уни теран тушуниш учун муайян тайёргарлик ва мушоҳада тақозо қилинади. Шунинг учун-

¹ Бу ҳақда қаранг: Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. – Тошкент, 1994. 150–151-бетлар.

² Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. 538-бет.

ми, халқ орасида Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун»и кўпроқ машҳур бўлган. Бу дoston содда ва халқчил услубда ёзилган. Тили ҳам енгил ва тушунарли. Ҳассос руҳи, жозиб оҳанги, ҳароратли мисралари билан ўзига тортади. Достоннинг эл ичида бу қадар машҳурлигига сабаб қилиб баъзи мутахассислар Фузулий ўз асарини Мажнун бўлиб ёзганлигини кўрсатадилар¹. Ҳамид Олимжоннинг куйидаги мисралари ҳам шоир достонининг халқ орасида канчалик машҳур бўлганидан далолат беради:

Фузулийни олдим қўлимга,

Мажнун бўлиб йиғлаб кичкирди.

XVII асрдан бошлаб Шарқда, жумладан Мовароуннаҳрда форсий шеърятга Бедил, туркий шеърятга Фузулийдек таъсир кўрсатган шоир бўлмаган. Биз кейинги асрлар ўзбек мумтоз шеърятда Фузулийдан таъсирланмаган, унга у ёки бу даражада эргашмаган, ғазалларига татаббуъ ёзмаган, тахмис боғламаган, шоирнинг «вор», «вер», «чўх», «йўх», «бох», «бинг», «этмаз», «қилмаз», «ўлмаз», «бенгзатдим», «душти», «этмазмидим», «дагил», «сакин», «верар», «дутмишлар», «керакмазми санго», «айлар бани» каби озарбайжонча талаффуздаги сўз ва ибораларидан фойдаланиб ғазаллар битмаган шоирни деярли учратмаймиз. Бу таъсирнинг изларини биз Турди ва

Машрабдан тортиб, Андалиб, Вафойи, Мунис, Огахий, Роким, Равнак, Мужрим Обид, Увайсий, Маҳзуна, Нодира, Амирий, Гулханий, Ғозий, Шавкий, Асирий, Маъдан, Ҳижлат, Хон, Муқимий, Фурқат, Завкий, Дилшод-Барно, Юсуф Сарёмий, Комил Хоразмий, Аваз каби мумтоз, Ҳамза, Ғафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Чустий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол сингари замонавий шоирларгача да-

¹ Қаранг: Ж а л о л о в Т. Фузулий. 7-бет.

вом этиб келгани ва давом этаётганини кўрамиз. Чунончи, Машрабнинг куйидаги ғазали озарча талаффузда:

Не савдолар боша солдинг, бу савдолар туганмазму?

Ки банд эттинг аёғларни, яна бандлар ёзилмазму?

Мунис девони дебчасидаги устоз шоирлар шогирдлик эхтироми билан тилга олинган ғазалида ироклик ишқидан ботиним нашъа топди, деганда, Фузулийни кўзда тутган:

Топибон ишқи ироқидан замирим нашъае,

Ҳосил аҳли ишқнинг шўри тамомидур манга.

Фузулийнинг, айниқса, «керакмазми санго» радифли ғазали ниҳоятда машҳур бўлиб, Мунис, Огаҳий, Увайсий, Амирий каби кўплаб шоирлар унга татаббуъ ёзганлар, тахмис боғлаганлар.

Хон тахаллуси билан ижод қилган Маъдалихон Фузулий таъсирида битган ғазалларидан девон тузибгина қолмай, буюк салафининг «Лайли ва Мажнун» ига ўхшатиб, шу номда дoston ёзган.

«Фузулийнинг «Банг ва Бода», «Ҳафт жом» каби форс тилида битилган асарлари Аҳмаджон Табибий ва Мирзо каби шоирлар томонидан ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилинган. Ҳатто андижонлик номаълум шоир Фузулийнинг «Банг ва Бода» асарига ўхшатиб «Чой ила Кўкнор» номли мустақил асар ёзгани илм аҳлига маълум»¹.

Фуркатнинг буюк салафининг «Сурмадин кўзлар қаро, аллар хинодин доларанг» мисрасини тазмин қилиб олиб ғазал битганини биламиз:

«Сурмадин кўзлар қаро, аллар хинодин доларанг»,

Ғозадин юзларда тобу, ўсмадин қошлар таранг.

Ёки Гулханийнинг машҳур:

¹ Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжа ўғли. «Фалаклар ёнди оҳимдан...»

// «Жаҳон адабиёти», 1998 йил, 7-сон, 107-бет.

Кўнгул озодадур, дунёға арзи эҳтиёж этмаз,
Тарикат солики бу йўлда майли издивож этмаз, –
байти билан бошланадиган ғазали ҳам Фузулий таъсирида
ёзилган.

Эркин Воҳидов «Ҳамдардликни куйлаган ғазал» мақола-
сида: «Қардош озарбайжон халкининг оташнафас фарзанди
Муҳаммад Фузулий туркий ғазал услубини камолот чўқ-
кисига кўтарган буюк сиймолардан бири саналади. Унинг
ғазаллари равон ва мусикийлиги, ўйнокилиги билан, ғўзал
ташбехларга бойлиги билан кўнгилларни банд этади. Фузу-
лий ўзбек халки учун ҳам севимли ва кадрлидир. Бизнинг
ота-боболаримиз Фузулий байтларини ибтидоий мактаб-
дан ёд олиб, кўнгилга жо қилганлар. Лайли ва Мажнун-
нинг ўтли муҳаббатига махлиё бўлганлар, бир қанча ўтмиш
шоирларимиз Фузулий оҳангида ўғуз лаҳжасида ғазаллар
битганлар»¹, – деб ёзади. Унинг «Фузулий хайкали қошида»
шеърисида мана бундай ўтли эътирофларни кўраимиз:

Ошиқлар ухлайди саҳарга томон
Фузулий девонин бошига кўйиб.
Мажнун севгисидан ўқилса дoston,
Булбуллар тинглайди бутокка кўниб...
Ғазал ҳам бўлурми шунча дилрабо,
Бунчалар серишва, бунчалар серноз.
Менинг шоирлигим ёлғондир, аммо,
Фузулий шеърига ошиқлигим рост.

Эркин Воҳидовнинг ўз ижодида ҳам Фузулийнинг таъ-
сири кучли. Масалан, шоирнинг «Дилга ёз дилбар сўзин,
жонон сўзини жонга ёз» мисраси Фузулийнинг «Жонни
жононая этдим, дили дилдора фидо» мисрасини ёдга со-
лади.

¹ Воҳидов Э. Шоир у шеър у шуур (Адабий ўйлар) . – Тошкент. 1987. 102-бет.

Бу жаҳонда, дейдилар, ҳар кимда бор бир ўзга таъб,
 Менга – май, булбулга – тонг, гул баргида – шабнам ши-
 рин, – мазмунидаги байти эса Фузулийнинг:

Ҳар киминг оламда микдоринчадир таъбинда майл,
 Ман лаби жононими, Хизр оби ҳайвонин севар, –
 байти таъсирида ёзилгани кўриниб турибди. Ёки буюк
 салафининг:

Окибат расво ўлуб, майтак тушар эл оғзина,
 Кимки бир сармаст сокий лаъли хандонин севар, –
 байтининг таъсири шорнинг «узум» радифли ғазалида
 шундай акс садо беради:

Кимки ошиқликни даъво айласа, шулдир жазо,
 Окибат хум ичра бўлди маҳкуми зиндон узум.
 Хум ичида неча йил хун бўлмок эркан қисмати,
 Лабларингга етди охир бир пиёла қон узум.

Фузулий ижоди жаҳон микёсида кенг кўламда тадқиқ
 ва таржима қилинган. Шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишни
 Латифий, Аҳдий Бағдодий, Сом Мирзо Сафавий, Содикбек
 Афшор, Ҳасан Чалабий, Мустафо Баёний, Риёзий, Қиётий
 каби XVI–XVII асрлар тазкиранавислари бошлаб берган-
 лар. Асрлар ўтган сари шоир шуҳрати янада ошиб бора-
 верган, асарлари қўлёзмалари қайта-қайта кўчирилиб, халқ
 ўртасида кенг тарқалган. Фузулий асарлари қўлёзмалари,
 шоир шеърлари киритилган баёз ва мажмуалар дунёнинг
 кўплаб мамлакатлари кутубхоналари, музейлари, қўлёзма-
 лар фондларида сақланаётгани ҳам унинг қанчалик маш-
 хур сўз санъаткори бўлганидан далолат беради. Т. Жало-
 ловнинг маълумот беришича, Фузулий асарлари Октябрь
 тунтаришига қадар Ўзбекистонда 24 марта чоп этилган¹.
 Фузулий девонининг 1581 йили кўчирилган муътабар нус-
 халаридан бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар акаде-

¹ Қаранг: Ж а л о л о в Т. Фузулий. 8-бет.

мияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланади.

XIX асрдан Фузулий ғарб шарқшунослари эътиборини тортди. Ҳаммер Пуртштал, Гибб, Э. Броун, В. Д. Смирнов, А. Кримский, Е. Э. Бертельс, Ф. Кўпрулизода, М. Д. Пошоев, Ҳ. Орасли, И. Ҳикмат, К. Адиб, А. Н. Тарлан, А. Гулпинорли, Муаллим Ножий, А. Тавфик, Ф. Рашот, Ф. Оғазода, А. Қорахон, Х. Мозиўғли, М. Ф. Охундов, А. Т. Сур, Ф. Кечерли, А. Шоик, Б. Чобанзода, Ж. Жабборли, М. Жалол каби Европа, рус, турк ва озарбайжон олимлари Фузулий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини нашр этишда эътиборга молик ишларни амалга оширганлар. Чунончи, XIX асрда арман шоири Раффи «Лайли ва Мажнун» достонини арман тилига таржима қилган. Арман адабиётшуноси Георгий Тарзибанян Фузулий ҳақида уч жилдди тадқиқот яратган – унинг дастлабки икки жилди 1928–1929 йилларда Истанбулда босилиб чиққан, учинчи жилди муаллиф вафоти туфайли тугалланмай қолган¹. Атоқли озарбайжон бастакори Узайр Ҳожибеков 1908 йили «Лайли ва Мажнун» достони асосида биринчи озарбайжон операсини яратган. 1958–1961 йилларда Озарбайжонда таникли адабиётшунос олим Ҳамид Орасли раҳбарлиги, иштироки ва таҳририда Фузулий асарларининг беш жилдди илмий-танкидий матни нашр этилган. Ўзбек адабиётшунослигида Абдурауф Фитрат, Вадуд Маҳмуд, Воҳид Абдуллаев, Воҳид Зоҳидов, Тўхтасин Жалолов, Холид Расул, Абдуқодир Ҳайитметов, Азиз Қаюмов, Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев, Иброҳим Ҳаққул, Эргаш Очилов, Отабек Жўрабоев, Зебо Қобилова каби олимлар шоир ҳаёти ва ижоди бўйича у ёки бу даражада тадқиқотлар олиб боришган.

¹ Бу ҳақда қараг: А р а с л ы Г. Великий азербайджанский поэт Физули. С. 4.

Фузулийнинг «Ўландан сўр», «Ғамзасин севдинг, кўнгил...», «Ҳосилим барқи ҳаводис...», «Фалаклар ёнди оҳимдан...», «Этмазмидим», «Бу кеча», «Изҳор эт», «Ихтиёрим колмади», «Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар», «Ниҳон этмиш» ва бошқа кўплаб ғазал ва мураббаълари куйга солиниб, асрлар давомида халқ ҳофизлари томонидан севиб куйланиб келмоқда.

Фузулий ўз асарларининг таъсири ва тақдири хусусида фикр юритар экан, уларнинг даврлар талотўпида йўқолмаслиги, вақт шамолида соврилмаслиги, билъакс абадулабад боқий қолиши ҳақида фахр билан гапирган эди. Шоирнинг бу башорати ҳақ бўлиб чиқди: асрлар ўтган сари унинг шуҳрати ортса ортиб боряптики, асло камаяётгани йўқ. Чинакам бадиият дурдоналарининг умрбоқийлиги ҳам шунда.

Биз мазкур тўпламни тузишда Фузулийнинг таниқли адабиётшунослар – Тўхтасин Жалолов ва Мунирхон Муинзодалар нашрга тайёрлаган «Девон»и, Холид Расул нашрга тайёрлаган икки жилдли «Асарлар»ининг биринчи жилди ва «Ўзбек адабиёти» мажмуасининг тўрттинчи жилди иккинчи китобидан фойдаландик¹.

Фузулий араб ва форс тилларида ҳам маҳорат билан қалам тебратган бўлиб, унинг бу тиллардаги шеърлари ўзбек ўқувчиларига маълум эмас. Адабиётимиздаги ана шу кемтикликни бир қадар тўлдириш мақсадида шоирнинг форсий девонидан ҳам намуналар таржима қилиб, тўпламга киритдик.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

¹ Қаранг: Ф у з у л и й. Девон (Нашрга тайёрловчилар Тўхтасин Жалолов, Мунирхон Муинзода). – Тошкент, 1959 (иккинчи наشري – 1961); М у х а м м а д Ф у з у л и й. Асарлар. Икки жилдли (Нашрга тайёрловчи Холид Расул). Биринчи жилд. Девон. – Тошкент, 1968; Ўзбек адабиёти (мажмуа). Тўрт жилдли. 4-жилд. 2-юғтоб (муҳаррирлар Порсо Шамсиев, Раҳмат Мажидий). – Тошкент, 1960.



ҒАЗАЛЛАР

Қад анор ал-ишқа лил-ушшоқи минхож ал-худо¹,
Солики² роҳи³ ҳақиқат ишқа айлар иктидо⁴.

Ишқдир ул нашъаи комилким, андандир мудом
Майда⁵ ташвири⁶ ҳарорат, найда гаъсири садо.

Водийи ваҳдат⁷ ҳақиқатда макоми ишқдир
Ким, мушаххас⁸ ўлмаз ул водийда султондан гадо.

Айламаз хилватсаройи сирри ваҳдат маҳрами
Ошики маъшукдан, маъшуқи ошиқдан жудо.

Эйки, аҳли ишқа сўйларсан: маломат таркин эт!
Сўйлаким, мумкинмидур тағйири тақдири Худо?

Ишқ килки⁹ чекди хатт¹⁰ ҳарфи вужуди ошиқа
Ким, ўла собит Ҳақ исботинда нафйи¹¹ моадо¹².

Эй Фузулий, интиҳосиз¹³ завк бўлдинг ишқдан,
Бўйладур¹⁴ ҳар ишки. Ҳақ оди-ла қилсанг ибтидо¹⁵.

¹ Маъноси: Ишқ ошиқларга тўғри йўлни курсатади.

² С о л и к – тариқат нулига кирган ва сайри сулук қилаётган киши.

³ Р о х (р а х) – йўл.

⁴ И к т и д о – эргашиш, тақлид қилиш.

⁵ М а й – тасаввуф адабиётинда илоҳий гажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон рамчи бўлиб келади.

⁶ Т а ш в и р – изтироб, ҳаяжон, талотўл.

⁷ В а ҳ д а т (т а в х и д) – Аллоҳ таолонинг бирлиги, ягоналиги. Бу тушунчага кўра борлик ягона бир вужуддан, оламдаги барча нарсалар унинг тажаллийси – намоён бўлишидан иборат. В о д и й и – в а ҳ д а т – тариқатнинг бешинчи водийси. Иккиликнинг ўртадан кўтарилиб, Ҳақ ва банд орасида бирликнинг қарор топиши.

⁸ М у ш а х х а с – бу ерда: фарк, тафовут.

⁹ К и л к – калам.

¹⁰ Х а т (т) – қизлар лаби устидаги майини туклар. Тасаввуф истилоҳида гайб олами.

¹¹ Н а ф й и – рад этиш, инкор қилиш, узоклаштириш.

¹² М о а д о – бундан ташқари, бундан бошқа.

¹³ И н т и х о – охир, сунг, ниҳоя.

¹⁴ Б ў й л а – бундай, бунақа, шунчалик, бу каби

¹⁵ И б т и д о – бош, бошланиш, аввал.

Коргар¹ душмаз хаданги² таънаи душман манго,
Касрати³ пайконинг⁴ этмишдур дамирдан⁵ тан манго.

Эминам санги⁶ маломатданким, олиб чеврами⁷,
Ўлди занжири жунун⁸ бир қалъайи оҳан⁹ манго.

Анданам расвоки, селоби¹⁰ сиришким¹¹ чок эдар,
Заҳми тиғинг қони кийдирдикча пироҳан¹² манго.

Дам-бадам шамъи жамолингдан мунаввар ўлмаса,
Эй қузим нури, керакмаз дийдаи равшан манго.

Ҳеч масканда қарорим йўқдурур ул завқдин
Ким, қачон хоки сари¹³ қўйинг ўла маскан манго.

Бошда бир сарви¹⁴ суманбар васлининг савдоси вор,
Суд¹⁵ қилмаз, боғбон, наззораи¹⁶ гулшан манго.

Эй Фузулий, ўдлара ёнсун бисоти салтанат!
Йигдур¹⁷ ундан, Ҳақ билур, бир гўшаи гулхан манго.

¹ К о р г а р – таъсир этувчи, таъсирли.

² Х а д а н г – 1) ўқ, камон ўқи; 2) найза.

³ К а с р а т – куплик, муллик.

⁴ П а й к о н – 1) ёй ўкининг учи; 2) тиканнинг учи; 3) киприк.

⁵ Д а м и р – темир.

⁶ С а н г – тош.

⁷ Ч е в р а – атроф, ён.

⁸ Ж у н у н – ошиқлик, беқарорлик, савдойилик, ўздан беҳабарлик.

⁹ О х а н – темир.

¹⁰ С е л о б – 1) сел суви, тошқин; 2) қўз ёши.

¹¹ С и р и ш к – қўз ёши.

¹² П и р о х а н (п е р о х а н) – қўйлак.

¹³ С а р – бош.

¹⁴ С а р в – кишин-ёзин қўм-қўқ бўлиб яшшаб гурадиган игнабаргли гузал ва хушқомат дарахт. Маъшуканинг келишган зебо қадди-коматини сарвга нисбат берадилар.

¹⁵ С у д – фойда, наф, манфаат.

¹⁶ Н а з з о р а – қараш, назар солиш, томоша қилиш.

¹⁷ Й и г – яхши, афзал.

Эй малаксиймоки, сандан ўзга ҳайрондур санго,
 Ҳақ билур, инсон демас ҳар кимки инсондур, санго.

Вермаян¹ жонин санга бўлмаз ҳаёти жовидон²,
 Зиндаи³ жовид анга дерларки, курбондур санго.

Олами парвонаи⁴ шамъи жамолинг килди ишқ,
 Жони оламсан, фидо ҳар лаҳза минг жондур санго.

Ошиқа шавкинг-ла жон вермак санго мушкил дагил⁵,
 Чун Масихи⁶ вақтсан, жон вермак осондур санго.

Чикма ёрим кечалар, ағёр⁷ таъниндан сакин⁸,
 Сан маҳи⁹ авжи малоҳатсан, бу нуксондур санго.

Подшоҳим, зулм эдуб, ошиқ санго золим демиш,
 Хўбрулардан¹⁰ ямон келмаз, бу бўҳтондур санго.

Эй Фузулий, хўбрулардан тағофулду¹¹ ямон,
 Гар жафо ҳам келса онлардан, бир эҳсондур санго.

¹ В е р м а я н – бермаган.

² Ж о в и д о н (ж о в и д) – боқий, мангу, абадий.

³ З и н д а – тирик, барҳаёт.

⁴ П а р в о н а – кечаси шам ёки чирок атрофида айланиб, ўзини унга урадиган ҳашарот. Шам ва парвона – тасаввуф шеъриятидаги машҳур тимсоллардан. Бунда шам – илоҳий ишқ, парвона – ошиқ тимсоли бўлиб келади.

⁵ Д а г и л – эмас.

⁶ М а с и ҳ – Исо пайғамбар. Унинг қўли теккан – силаган ўликка жон кирар экан. Шунинг учун ҳам у киши Масих – силовчи деб улуғланган. Нафаси ошиққа жон бағишлайдиган машуқага ҳам Масих сифатини беришади.

⁷ А г ё р – рақиблар, душманлар, бегоналар.

⁸ С а к и н – сақлан, эҳтиёт бўл, ҳазир бўл.

⁹ М а ҳ (м о ҳ) – ой.

¹⁰ Х ў б р ў (й) – чиройли юзми, гузал, зебо.

¹¹ Т а г о ф у л – бепарволик, ўзни билмасликка солиш.

Жом¹ ичра майки, доира солмиш хубоб² анго,
Ойнадурки, акс солур офтоб анго.

Зоҳид³ савол эдарсаки, майдан надур мурод?
Бизда сафодур⁴, анда кудурат⁵ жавоб анго

Қон ёш дуқуб, ёнинда кезар оташин кабоб,
Маъшука бенгзар⁶ оташу ошиқ кабоб анго.

Айлар кўнгилда ашқ хатинг шавқини фузун,⁷
Ўддин чикар бухор⁸ сочилдиқча об⁹ анго.

Чашминг¹⁰ маризи¹¹ ўлди кўнгил, лаълинг¹² етур,
Ранжи хумора душди, даводур шароб анго.

Таклифи жаннат айлама кўйингда кўнглима,
Чун жаннат аҳлидур, на верарсан азоб анго.

¹ Ж о м – қадах, пиёла. Жом ва унинг маънодошлари тасаввуфда маърифат зиёсига лиммо-лим кўнгил маъносига келади.

² Х у б о б – сув юзиди пайдо бўладиган нуфакча, кўпик. Бу сўз мавж билан биргаликда ҳаракат, моҳиятнинг зухуротини билдиради.

³ З о ҳ и д – узлат ва таквон касб қилиб олиб, дунё лаззатларидан юз утирган киши. Бу тоифа ишқ ва ирфон (маърифат)дан беҳабар бўлиб, уларнинг мақсади гакво билан охираат мағфиратини қозониш. Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-халоватига етишиш. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Худонинг ўзи, унинг дийдори булгани учун ҳам тоҳидларнинг бу ишини тамағирлик деб ҳисоблайдилар ва уларни танқид қиладилар.

⁴ С а ф о – риёзат чекиш нағижасида дилининг нафс хоҳишлари, ёмон иллатлар, гаддор дунё ва Худо ёдидан булак нарсалардан қутулиб покланиши.

⁵ К у д у р а т – 1) хиралик, губор; 2) гам, андух; 3) душманлик, адоват.

⁶ Б е н г з а р – ухшар.

⁷ Ф у з у н (а ф з у н) – кўп, ортик, зиёда.

⁸ Б у х о р – дуд, тутун, буг.

⁹ О б – сув.

¹⁰ Ч а ш м – кўз.

¹¹ М а р и з (м а р а з) – касал, хаста, бемор.

¹² Л аъ л – қизил рангли ялтироқ қимматбаҳо тош. Маъшуқанинг қизил лабини унга нисбат берадилар.

Масдуддур¹ Фузулия майхоналар² йўли,
Ё Раб, хидоят айла тариқи³ савоб анго.

* * *

Дўстим, олам санинг-чун гар ўлур душман манго,
Ғам дагил, зеро етарсан дўст анжак⁴ сан манго.

Ишқа солдим ман мани, панд олмаюб бир дўстдан,
Ҳеч душман айламаз оники, этдим ман манго.

Жону тан ўлдукча мандан дарду доғ ўксук⁵ дагил,
Чикса жон, чок ўлса тан, на жон керак, на тан манго.

Васл кадрин билмадим хижрон балосин чекмадан,
Зулмати хажр этди чўх⁶ мубҳам иши равшан манго.

Дуду⁷ ахгардур⁸ манго сарв ила гул, эй боғбон,
Найларам ман гулшани, гулшан санго, гулхан манго.

Ғамза тиғин чекди ул моҳ, ўлма ғофил, эй кўнгил
Ким, мукаррардур бугун ўлмак санго, шеван⁹ манго.

Эй Фузулий, чикди жон, чикмон тариқи ишкдан,
Раҳгузори¹⁰ аҳли ишк узра килинг мадфан¹¹ манго.

¹ М а с д у д – банд, боғлик, тусилган.

² М а й х о н а (м а й к а д а) – шавку завку илоҳий файзга кон бўлган комил ориф-нинг боғини. Илоҳий олам маъносида ҳам келяди.

³ Т а р и қ – 1) йўл, одат; 2) усул, қола, маслак.

⁴ А н ж а к (о н ж а қ) – шундай.

⁵ Ў к с у к – кам, оз.

⁶ Ч ў х (ч ў к) – кўп.

⁷ Д у д – тутун.

⁸ А х г а р – лахча, чуғ, учкун, олов.

⁹ Ш е в а н – нола, зори.

¹⁰ Р а ҳ г у з о р (р а ҳ г у з а р) – одамлар ўтиб турадиган йўл; йуловчи.

¹¹ М а д ф а н – гўр, қабр, қабристон.

Риштадур жисмимки, даври чарх вермиш тоб анго,
Мардуми¹ чашмим дузар ҳар дам дури сероб анго.

Сояи зулфинг шабистониндадур² шамъи рухинг³,
Неча етсун кадр ила хуршиди⁴ оламтоб⁵ анго.

Дурди⁶ майтак ғаркаи хуноба⁷ кўрдим кўнглими,
Сокиё⁸ чўх этма таклифи шароби ноб⁹ анго.

Қомати ҳам бирла бир ахли кароматдур кошинг,
Тош ўлур, албатта, гар бош эгмаса меҳроб¹⁰ анго.

Чашминги ахли назар¹¹ қасдина таъйин айлаян,
Нозу ғамзангдан муҳайё айламиш асбоб¹² анго.

Терламиш рухсор ила хўблар¹³ очарлар кўнглими,
Кўр, на гулшандурки, оташдан верарлар об анго.

¹ М а р д у м – 1) кўз қорачиғи; 2) одам, инсон.

² Ш а б и с т о н – 1) тун қоронғилиғи; 2) тунги еток, хилватхона, базмтоҳ.

³ Р у х – юз.

⁴ Х у р ш и д – қуёш, офтоб.

⁵ О л а м т о б – оламни ёритувчи.

⁶ Д у р д – май куйкаси, қолдиғи. Тасаввуфда – қаноат ва номуродлик. Маъшуканинг ошиқни бетоқат қилувчи ёдини ҳам билдиради.

⁷ Х у н о б а (х у н о б) – қонли ёш, аччиқ йиғи.

⁸ С о қ и ё – деганда суфийлар Аллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, маъшукани, пир ёки қомил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

⁹ Н о б – тоза, тиник, соф.

¹⁰ М е х р о б – 1) саждагоҳ, масжидда имом турадиган тепаси қайрилма жой; 2) гўзалларнинг қайрилма қоши.

¹¹ А х л и н а з а р – орифлар, қаромат соҳиблари.

¹² А с б о б – бу ерда: 1) себаблар, баҳоналар; 2) кишанлар, банд қилиш воситалари.

¹³ Х ў б л а р – 1) яхшилар; 2) гўзаллар.

Силки¹ аҳли ҳола² чекмиш зоҳиди ашки риё,
Мис кибиким, сийм³ қадрин билдирур симоб⁴ анго.

Эй Фузулий, қолмамиш ғавғойи Мажнундан асар,
Ғолибо, афсонаи ишқинг кетурмиш хоб⁵ анго.

* * *

Ишқ атворин⁶ мусаллам⁷ айлади гардун⁸ манго,
Бунчаким елди-югурди, етмади Мажнун манго.

Қилди мандан рафъ⁹ таклифи намози мастлик,
Солди Ҳақ бир нашъаи жоми майи гулгун¹⁰ манго.

Боғбон, гар майл қилман сарвинга, маъзур тут,
Сарвдан йиграк келур ул қомати мавзун¹¹ манго.

Дўстлар, кон ёш тукуб, қилди мани расвойи халқ,
Ваҳки, душман чикди охир дийдаи пурхун¹² манго.

Ўлмазам, ҳар қандаким ўлсам, гирифтор ўлмадан,
Бир балодур кўз, бир офатдур дили маҳзун манго.

¹ С и л к – 1) ип, тизим; 2) саф, катор.

² А х л и х о л – тасаввуф аҳли.

³ С и й м – 1) кумуш; 2) кумуш танга, бойлик; 3) оқбадан.

⁴ С и м о б – кумушранг кимёвий элемент. Мумтоз шеърятда бетокатлик, бекарорлик раизи ва кўз ёши тимсоли булиб келади.

⁵ Х о б – уйқу.

⁶ А т в о р – бу ерда: йул, усул, одат.

⁷ М у с а л л а м – 1) лойик, муносиб; 2) муяссар қилмоқ; 3) тайин қилмоқ; 4) таслим булган.

⁸ Г а р д у н – 1) осмон, фалак; 2) дунё, олам.

⁹ Р а ф ъ – юксалиш; бу ерда: узоклаптириш. Йуқ қилиш.

¹⁰ Г у л г у н – пуштиранг, кизил.

¹¹ М а в з у н – келишган, хушбичим, гўзал.

¹² П у р х у н – конля, конга тўла.

Эй Фузулий, новаки¹ оҳим-ла олдим интиком²,
Дуна-дуна³ гарчи бедод этди чархи дун⁴ манго.

* * *

Ғам диёринда ажал пайки⁵ гузор⁶ этмаз манго,
Йук сонур⁷ ворим магарким, эътибор этмаз манго.

Ёр жавр этмаз манга, ағёр таълим этмадан,
Биллоҳ⁸, ағёр айлаян эҳсони ёр этмаз манго.

Доғидар⁹ хар лаҳза барги айшими оҳим ели,
Хонси¹⁰ ноҳак зулмдурким, рӯзгор¹¹ этмаз манго.

Ишк дарди-ла хушам, тарки насихат эт, рафиқ¹²,
Манки, тарёки¹³ мизожам, захр кор этмаз манго.

Чархдан ошурмадан ёдинг-ла охи оташин,
Қадр эдуб. гардун шарафдан зар нисор этмаз манго.

Нақди жон торожи ғамдан сахламок душвордур¹⁴,
Ишк то санги маломатдан ҳисор¹⁵ этмаз манго.

¹ Н о в а к – 1) ук, камон ўки 2) киприк.

² И н т я к о м – ўч, қасос.

³ Д ў н м о к – айланмок, зврилмок, узгармок. Д ў н а-д ў н а – айлана-айлана, қайта-қайта.

⁴ Д у н – тубан, разил, пастқаш.

⁵ П а й к – элчи, хабарчи.

⁶ Г у з о р – ўтиш, йул.

⁷ С о н м о к – 1) ишонмок; 2) уйламок, ҳисобламок.

⁸ Б и л л о ҳ (б и л л а ҳ) – Худо ҳақки, азбаройн Худо.

⁹ Д о г и т м о к – таркатмок, ёймок, сочмок.

¹⁰ Х о н с и – қайси.

¹¹ Р у з г о р – 1) давр, замон; 2) ҳаёт, турмуш; 3) тақдир, толе.

¹² Р а ф и қ – 1) дўст; 2) ҳамдари, сирдош; 3) ҳамроҳ, йўлдош; 4) маҳбуба, севгили.

¹³ Т а р ё к – захарни даф қиладиган дори.

¹⁴ Д у ш в о р – қийин, огир, мушкул.

¹⁵ Ҳ и с о р – қалъа, қургон, истехком.

Ёди лаълинг-ла Фузулий кўзлаюб роҳи адам¹,
Вор² бир тадбири, аммо ошкор этмаз манго.

* * *

Жониминг жавҳари³ ул лаъли гуҳарбора⁴ фидо,
Умрининг ҳосили ул шеваи⁵ рафтора⁶ фидо.

Дард чекмиш сарим ул холи сиях⁷ қурбони,
Тоб⁸ кўрмиш таним ул турраи⁹ таррора¹⁰ фидо.

Кўзларимдан дўкилан қатраи ашким гуҳари
Лабларингдан сочилан лўълўи¹¹ шахвора¹² фидо.

Чоки сийнамда ўлан қонли жигар поралари
Маст чашмингда ўлан ғамзаи хунхора¹³ фидо.

Пора-пора дили мажруҳи паришонимдан
Сари кўйингда кезан ҳар ита бир пора фидо.

¹ Адам – йўқлик.

² Вор – бор.

³ Жавҳар – 1) гавҳар; 2) восос, моҳият; 3) нодир, ноёб; 4) ҳаёт.

⁴ Гуҳарбор – гавҳар ёғдирувчи.

⁵ Шеваи – 1) одат, равиш; 2) ҳунар; 3) ноз, ишва.

⁶ Рафтор – 1) одат, расм; 2) юриш.

⁷ Сиях – қора.

⁸ Тоб – бу ерда: азоб чеккан.

⁹ Турра – соч ўримлари, зулф, қоқил.

¹⁰ Таррор – айёр, маккор, хийлагар. Турраи таррор – ҳушни угирловчи.
дили узига асир қилувчи зулф.

¹¹ Лўълў – гавҳар.

¹² Шахвора – шохона; қимматбаҳо.

¹³ Хунхор – қон тухувчи, қолим.

Жону дил қайдини¹ чекмакдан ўзим қутқордим,
Жони жононая этдим, дили дилдора фидо.

Эй Фузулий, нўла² гар сахлар эсам жони азиз,
Вакт ўлаким, ўла ул шўхи ситамкора фидо.

* * *

Ғамдан ўлдим, демадим холи дили зор санго,
Эй гули тоза, раво кўрмадим озор санго.

Ич майи нобки, бағриндан эдар жумла кабоб
Оташи ишк ила ушшоқи³ жигархор⁴ санго.

Майи гулгунда дагил наргиси⁵ мастинг акси,
Қадах ўлмиш кўз очиб ошики дийдор санго.

Оразинг гул-гул эдубдур майи гулгун тоби,
Ваҳки, бир гулдан очилмиш неча гулзор санго.

Боға сайр эт бу руху лаъл илаким, гунчаву гул,
Гўстара⁶ хуни дилу дийдаи хунбор⁷ санго.

Дер эдим қоматинга сарв, вале ўзга эмиш
Ҳаракоту равишу шеваву рафтор санго.

¹ Қ а й д – банд; занжир. Бу ерда: фикр, хаёл, ғамхўрлик.

² Н у л а – нима бўлади.

³ У ш ш о қ – ошиқлар.

киритиладиган илминг натижасидан шоду хуррамлик сифатида тушунилади.

⁴ Ж и г а р х о р – кайгули, ғамгин.

⁵ Н а р г и с – бутакуз: мажозан: маъшуканинг кўзи. Тасаввуфда амал оркали қулга

⁶ Г ў с т а р м о қ – кўрсатмоқ.

⁷ Х у н б о р – кон йиғловчи, аччик ёш тухувчи.

Эгилуб тарфи баногўшинга¹ дарди дилими
Ё ўтоғанг² дея, ё турраи таррор санго.

То гирифторингаму фитнадан ўлман озод,
Ҳеч ким ўлмасин, эй шўх, гирифтор санго.

Лаъли нобинг ҳаваси бағрими қон айладигин,
Оҳким, қонли ёшим қилмади изҳор санго.

Эй Фузулий, фалакинг вор санинг-ла назари
Ким, гаму меҳнатини верди наким вор санго.

¹ Баногўш – кулок солинчоги.

² Ўтоға – бошга тақиллаган жиға.

Ғамзасин севдинг, кўнгил, жонинг керакмазми санго?
Тиға урдинг, жисми урёнинг¹ керакмазми санго?

Оташин оҳим-ла айларсан манга таклифи боғ,
Боғбон, гулбарги хандонинг керакмазми санго?

Ела верма доғидуб ҳар ён, аёқлардан кетур,
Эй пари, зулфи паришонинг керакмазми санго?

Эй камонабрў², ракиба верма ғамзангдан насиб,
Ўқ отарсан тоша, пайконинг керакмазми санго?

Ёндируб жоним, жаҳонсўз³ этма барки⁴ оҳими,
Осмон, хуршиди рахшонинг⁵ керакмазми санго?

Куфри зулфиндин мани манъ айламак лойикмидур,
Сўфий, инсоф айла, иймонинг керакмазми санго?

Туталимким⁶, ашк селобина йўқдур эътибор,
Эй Фузулий, чашми гирёнинг⁷ керакмазми санго?

¹ У р ё н – яланғоч.

² К а м о н а б р ў – қоши камон.

³ Ж а ҳ о н с ў з – жаҳонни куйдирувчи.

⁴ Б а р к – 1) чакмок, яшин; 2) ўт, олов.

⁵ Р а х ш о н – порлок.

⁶ Т у т а л и м к и м – тўхтагайким, бас қилайким.

⁷ Г и р ё н – йиглаб турган, йиғловчи.

Гарчи, эй дил, ёр учун юз верди юз меҳнат¹ санго,
Заррача қатъи муҳаббат этмадинг, раҳмат санго!

Сахлама нақди ғами ишқини, эй жон, зоҳир² эт
Ким, вера ҳабси³ бадандан чикмаға рухсат санго.

Чораи беҳбудими⁴ сӯрдим муолиждан⁵ деди:
Дард дарди ишқ эса мумкин дагил сихҳат санго.

Тутарам тонгла киёматда, ҳабибим⁶, доманинг⁷,
Мастсан ғафлат шаробиндан, бу кун муҳлат санго.

Аҳли ишқи оташи ҳижрона айларсан кабоб,
Дӯна-дӯна имтиҳон этдим, будур одат санго,

Инжидар нолам сани, ваҳ, нӯла гар бир тиг ила,
Чашми жаллодинг эда эҳсон манго, миннат санго.

Санда дун⁸ кӯрдим, Фузулий, майли меҳробу намоз,
Тарки ишқ этмакми истарсан, надур ният санго?

¹ М е х н а т – 1) мусибат, бало; 2) ғам, дард; 3) кийинчилик, машаққат.

Жаҳони рашки гулзори Халил⁶ эдан баҳор ўлмуб,
Бу файзи адли Иброҳим хони⁷ поксийратдур⁸.
Анинг ёниндаким, гулбарги гулзори маонийдур⁹,
Анинг базминдаким, сарви равони боғи бехжатдур¹⁰.
Очилди ғунча тумморию маълум ўлди мазмуни,
Будурким, фавт қилманг мавсуми гул жоми гулгуни.

¹ Тааллул – баҳона қилиш, сабаб кўрсатиш.

² Фавт – бу ерда: қўлдан бериш, ўтказиб юбориш.

³ Маъноси: Ёрни қандай тирилтиради.

⁴ Хомайи сабза – майса қалами.

⁵ Осори раҳмат – раҳмат аломати.

⁶ Халил – Иброҳим алайҳиссаломнинг лақаби: дўст, Аллоҳнинг дўсти (Халилуллоҳ).

⁷ Иброҳим хон – Бағдод ҳокими.

⁸ Поксийрат – табиати гузал, ахлоқан пок.

⁹ Маоний – маънолар, тушуничалар.

¹⁰ Бехжат – қувонч, шодлик.

Кетур, сокий, кадах ўлдингса ҳоли даҳрдан огох
 Ки, даврон узрадур пайваста субху шому солу мох.
 Хазон дайжурида¹ гулзор базминдан озон булбул,
 Чироғи гул ёкиб, хилватсаройи² васла бўлмиш роҳ.
 Гул очмиш хони васлин, булбула таклиф эдар ҳар дам
 Ки, гар меҳмон эсанг, хони Халилуллоҳа бисмиллоҳ³.
 Жаҳондан дун мукаддар хотир эдим фоли фатҳ эчун,
 Буқун гулзора кирдим, гул китобин очмаға ногоҳ.

Очилди гунча тумморию маълум ўлди мазмуни,
 Будурким, фавт қилманг мавсуми гул жоми гулгуни.

Кетур, сокий, кадаҳким, айш хушдур гул замонинда,
 Замон фавт этма даҳринг ғуссаи суди зиёнинда.
 Қумори⁴ « тахтаҳал-анҳор»⁵ ўқур гулзор васфинда,
 Анодил⁶ « Ҳозиҳи жаннат»⁷ ўқур гулзор шаънинда.
 Сабо гунча даҳонин пурзар⁸ этса, ҳеч айб ўлмаз
 Ки, мадҳи хони хоконкадрдур гунча даҳонинда.
 Ҳаво сабза забонин тез агар қилса еридурким,
 Санойи⁹ хони хайранжомдур¹⁰ сабза забонинда.
 Қадах тутмоқдан икроҳ этмазам токим, эшитдим, ман,
 Саҳар булбул дилиндан, гул қотинда¹¹, сабза ёнинда.

Очилди гунча тумморию маълум ўлди мазмуни,
 Будурким, фавт қилманг мавсуми гул жоми гулгуни.

¹ Д а й ж у р – энг қоронги тун; қоронғилик, зулмат.

² Х и л в а т с а р о й – хилватхона.

³ Б и с м и л л о ҳ – Аллоҳ номи билан.

⁴ Қ у м о р и – қумрилар.

⁵ Т а х т а х а л – а н ҳ о р – заррин сувар.

⁶ А н о д и л – булбуллар.

⁷ Ҳ о з и ҳ и ж а н н а т – жаннат шулардир.

⁸ П у р з а р – олтинга тула.

⁹ С а н о – мадҳ, мақтов, гъриф.

¹⁰ Х а й р а н ж о м – оқибати хайрли.

¹¹ Қ о т и д а – қошида, олдида, хузурида.

Кетур, сокий, қадахким, боғу сахро лолазор ўлди,
Ажаб фасли хужаста¹, мавсуми хуш рўзгор ўлди.
Шукуфа² барги тупроғ узра сиймин хиштлардурким,
Асоси айши халқ ул хиштлардан устувор ўлди.
Жигар кони киби кетмишди кўздан тоза гул шакли,
Яна доғи дили аҳли вафотак ошкор ўлди.
Чикарди сабзаву гул хокдан чўх лаълу феруза³,
Вале юз шукрим, жон хоки пойина нисор ўлди.
Фузулий, гар хазон вақтинда эрдинг муттакий, холо⁴
Май ичким, мавсуми гул келди, айёми баҳор ўлди.
Очилди ғунча тумморию маълум ўлди мазмуни,
Будурким, фавт килманг мавсуми гул жоми гулгуни.

¹ Х у ж а с т а - кутлук, муборак, бахтиёр.

² Ш у к у ф а - гул, чечак, ғунча.

³ Ф е р у з а (ф и р у з а) - кук тусли кимматбаҳо тош.

⁴ М у т т а к и й - тақводор, парҳезли.



ТАРКИББАНД

Манамки кофиласолори¹ корвони ғамам,
Мусофири рахи сахройи меҳнату аламам,
Ҳақир бокма манга, кимсадан соғинма камам,
Фақир² подшаҳосо³ гадойи муҳташамам⁴.
Сиришк тахтиравондур мангаву оҳ – алам,
Жафову жавр – мулозим⁵, балову дард – ҳашам⁶.

На мулку мол манга чарх верса мамнунам,
На мулку молдан овора қилса маҳзунам,
Агарчи муфлису⁷ пасту муҳаққару дунам,
Дамодам ўйла ҳаёл айларамки, Корунам,
Кўнгилда нақди вафо ганжи, лек пинҳони,
Кўзим хазонаи лаълу гуҳар, вале фони.

Ҳаёт сарф эдубан дард қилмишам ҳосил,
Сиришки олу рухи зард қилмишам ҳосил,
Замир кўзгусина гард қилмишам ҳосил,
Табиати саги⁸ шабгард⁹ қилмишам ҳосил,
Ишим қаро кеча то субҳ нолаву фарёд,
На версалар анга шоқир¹⁰, на десалар анга шод.

¹ Кофиласолор – қарвонбоши, сарбон.

² Фақир – дунёвий неъмат ва лаззатларни тарк этиб, фақат илоҳий шавқ билан яшайдиган киши. Тарикат босқиҷларини босиб ўтиб, Аллоҳ йўлида фано бўлган ошиққа фақир, унинг мақомига «фақру фано» дейилади.

³ Подшаҳосо – худди подшоҳлардек.

⁴ Муҳташам – бу ерда: иззат-ҳурматли, улуг, шуқухли.

⁵ Мулозим – ҳамроҳ, хизматчи.

⁶ Ҳашам – бу ерда: яқинлар, уруғ-аймоғ.

⁷ Муфлис – камбағал, кашшоқ, бечора.

⁸ Сақ – ит.

⁹ Шабгард – тунда айланувчи.

¹⁰ Шоқир – шуқр қилувчи.

Сиришкрез¹ гуландомлар² ҳавоси-ла,
 Шикастахол³ сияҳзулфлар⁴ балоси-ла,
 Замона ичра ғами ишк можароси-ла,
 Ҳамиша маслаҳатим ўзгалар ризоси-ла,
 На даври гардиши гардун⁵ маним муродим-ла,
 На ғояти амалим ҳусни эътиқодим-ла.

Ҳасул⁶ сурати аҳволима назар қилмаз,
 Жафо қилур мани бечорая, ҳазар қилмаз,
 Сонурки, нолаву зорим анга асар қилмаз,
 Ани мурур⁷ ила оламда дарбадар қилмаз.
 Замон ичра мужаррабдур⁸ интиқоми замон,
 Ҳамиша яхшия яхши верар, ёмона ёмон.

Хушамки, хомаи тақдири Эзиди⁹ мутаол¹⁰
 Вужуд лавҳина тасвир эданда сурати ҳол,
 Ракам қилиб, агар идбордур ва гар иқбол,
 Улур тағайюр¹¹ анга ғайридан бир амри маҳол.
 Саодати азали қобили завол ўлмаз,
 Гунаш ер устина душса ҳам поймол ўлмаз.

¹ Сиришкрез – куз ёши тукувчи.

² Гуландом – гулбадан; нозанин.

³ Шикастахол – аҳволи ёмон. паришон ҳол.

⁴ Сияҳзулф – қора сояли, гўзал.

⁵ Гардиши гардун – фалакнинг айланиши.

⁶ Ҳасул – ҳасалгўй.

⁷ Мурур – юриш, кечиш, утиш.

⁸ Мужарраб – тажрибадан уттан, синаб қурилган.

⁹ Эзид – Худо, Тангри.

¹⁰ Мутаол – олий, юксак.

¹¹ Тағайюр – ўзгариш, бошқа тусга кириш.

Азизи Ҳақ ҳасади душман ила ўлмаз хор,
Ҳасуд хийласи икболи айламаз идбор,
Агарчи гулбуна боди хазондан офат вор,
Тадорик айлар анга офият насими баҳор,
Ғаразки, ҳар ким азалдан ўлурса давлатманд,
Маҳолдур ета осори давлатина газанд¹.

Агарчи бир неча кун иктизойи² олами дун,
Жаҳонда айлади иқбол раъятини³ нигун,
Замона сурати аҳволим этди дигаргун,
Вафо хатина қалам чекди чархи букаламун⁴,
Бу кун замона ул аҳволдан пушаймондур,
Агарчи кофир эди, холиё⁵ мусулмондур.

Фузулий айладигинг аҳдинга вафо қилгил,
Етар, шикоят эдуб, шарҳи можаро қилгил,
Вужудинги ҳадафи новаки бало қилгил,
Қаму жафолара сабр айлаюб, дуо қилгил
Ким, ўла дўст ризоси ҳамин санга ҳосил,
Ризои дўстдур асли таматтуъ⁶, эй ғофил!

¹ Г а з а н д – зиён, зарар.

² И к т и з о – такою, талаб, зарурат.

³ Р а ъ я т – байрок.

⁴ Б у к а л а м у н – турланиб-гусланадиган, икки юзламачи.

⁵ Ҳ о л и ё – ҳозирда, шу пайтда.

⁶ Т а м а т т у ъ – баҳра олиш, фойдаланиш.



МУХАММАЛАР

1

Вой, юз минг войким, дилдордан айрилмишам,
Фитначашму¹ сохиру хунхордан айрилмишам,
Булбули шӯридаям²– гулзордан айрилмишам,
Кимса билмазким, на нисбат ёрдан айрилмишам,
Бир кади шамшоду гулрухсордан айрилмишам.

Қадди тубо, лаъли фирдавсинг³ шароби кавсари,
Хулку хўйи бир малак, суратда амсоли⁴ пари,
Буржи афлокинг⁵ саодатли, шарафли ахтари,
Хуснаро мажмуъи хубонинг саросар сарвари,
Бир кади шамшоду гулрухсордан айрилмишам.

Дўстлар, ман нолаву фарёд қилсам, айб эмас,
Чархи бадмеҳринг алиндан дод қилсам, айб эмас,
Ғам диёрин диларо обод қилсам, айб эмас,
Бу бино бирла жаҳонда од қилсам, айб эмас,
Бир каду шамшоду гулрухсордан айрилмишам.

Душмишам ғамхонаи хижрона зору дарднок⁶,
Нохуни⁷ хасрат эдуб ҳар дам гирибонимни чок,
Кунда юз кез ҳажр тиғидан ўлурам ман ҳалок,
Гардиши даввор⁸ жавриндан мани дил хастанок⁹,
Бир кади шамшоду гулрухсордан айрилмишам.

¹ Ф и т н а ч а ш м – шух кузли, йўлдан урадиган.

² Ш у р и д а – паришон, ишкка мубтало, ошиқи шайдо.

³ Ф и р д а в с – жаннат.

⁴ А м с о л – 1) ухшашлар; 2) мисоллар.

⁵ Б у р ж и а ф л о к – фалакнинг энг юксак чўққиси.

⁶ Д а р д н о к – дардли, кайгули.

⁷ Н о х у н – тирнок.

⁸ Д а в в о р – айлагувчи, чарх урувчи.

⁹ Д и л х а с т а н о к – дили жароҳатлик.

Иштиёку шавқдан жону таним олудадур¹,
 Шоми ғам фарзонаи² бахтим маним уйкудадур,
 Оғламоқдан чашму жисми дардноким су(в)дадур,
 Сонма, эй ҳамдамки, фарёдим маним беҳудадур,
 Бир кади шамшоду гулрухсордан айрилмишам.

Васл умуб³, жавру жафосини чекаркан жон хануз,
 Меҳр умуб, шавқинда ёнаркан дили сўзон хануз,
 Жисми ғамнокимда вор экан ғами ҳижрон хануз,
 Етмадан поёна оху нолаву афгон хануз,
 Бир кади шамшоду гулрухсордан айрилмишам.

Мулки васли дилбаринг кўнглимда маъмур ўлмадан,
 Ишқ жоминдан дилу жон масти махмур ўлмадан,
 Дарди бедармони ҳижрондан таним дур ўлмадан,
 Ҳам Фузулий ишқу ошиқлиғи машҳур ўлмадан,
 Бир кади шамшоду гулрухсордан айрилмишам.

2

Эй харир ичра танинг мутлак билур⁴ ичра гулоб,
 Кўксинг оби равшан, ул об узра дугмангдур ҳубоб,
 Бўйласан маҳбуб, йўқ наззоранга оламда тоб,
 Вой, агар тезжак чикиб, сарпиб лачак⁵, солсанг никоб,
 Ҳеч шак йўқким, сани кўргач, ўлур олам хароб.

¹ О л у д а – бу ерда: омухта, қушилган.

² Ф а р з о н а – бу ерда: ягона, генгсиз.

³ У м у б – умид қилиб.

⁴ Б и л у р – биллур; гиник шавффоф.

⁵ Л а ч а к – рўмол, дакана.

Дил чекуб, заррин утоғанг, верди лаълингдан суроғ,
Тутди ул гуфтор эчун лаъли баногӯшинг кулоғ,
Зулфинга ҳамдам тароғ, ошуфта ман андан йироғ,
Диш¹ солуб, ҳар печу тоб очдикча зулфингдан тароғ,
Риштаи жонимда рашкимдан душар юз печу тоб.

Эй юзи гул, кўнглаги гулгун, тўнидир кирмизи,
Оташин кисват² кийиб, ўдлара ёндирдинг бизи,
Одам ўғлиндан санингтак туғмаз, эй кофир кизи,
Ою кундур ҳусн баҳсинда жамолинг ожизи,
Гуёё отанг маҳитобондур, онанг офтоб.

Ол сочбоғингда мушкин соч паришонҳолиям,
Сиймсок³ узра кизил халхоллар⁴ помолиям,
Сонма, халхолинг киби меҳрингдан, эй маҳ, холиям,
Оразинг давринда заррин силсиланг⁵ тимсолиям,
Ғамзанг ўқиндан ҳазин жонимда юз минг изтироб.

Сурмадан кўзлар каро, аллар ҳинодан лоларанг,
Ҳеч шоҳид йўк бу ранг илаки, сансан шўху шанг⁶,
Вўсмали қошинг яшил тузлу⁷ камон, ғамзанг хаданг,
Ғамзаву қошингга майл айлар Фузулий бедаранг⁸,
Қуш, ажабдур, этмамак тийри камондан ижтиноб.

¹ Диш - тиш.

² Кисват - кийим, либос.

³ Сиймсок - оппоқ оёқ, гўзал оёқ.

⁴ Халхол - олтин, қумуш ҳалқа.

⁵ Силсила - бу ерда: соч ўримлари.

⁶ Шўху шанг - чаккон, ҳаракатлари нозик ва гўзал, малоҳатли, гўзал.

⁷ Тузлу - бу ерда: тусли, рангли.

⁸ Бедаранг - тўхтовсиз, тез, дарҳол.

3

Тан бузилди ашки чашми хунфишонимдан маним,
 Куйди жон кўнглимдаги сўзи ниҳонимдан маним,
 То асар вор жисми жони нотавонимдан маним,
 Ғам кам этмаз кўзу кўнглим жисму жонимдан маним,
 Бу бошимдан совулиб, ул кетса ёнимдан маним.

Майли васл эгмиш қадимни чанги базми ёртак,
 Рағларим сизлар ал урсам чанг узра тортак,
 Чангу най мумкин кам эда зорлик ман зортак.
 Баски, мамлуям ҳавоии ишка мусикортак,
 Минг фиғон ҳар дам чиқар ҳар устихонимдан маним.

Олами тутди сиришким кони, тутмазсан хабар,
 Солди ёшим раҳналар йўллара, қилмазсан назар,
 Қон ёшимдан сориким, тутмиш йўлинг, қил бир гузар,
 Майл қил мандан яна, ҳар дам бу истиғно етар,
 Қонли эса дахи кел, кеч шимди қонимдан маним.

Кўз эвитақ ўлди ашқимдан чўқ эвлар ғарқи об,
 Кўз эвитақ қилди чўқ эв мардуми чашмим хароб,
 Олами селоба вердим, эй жамоли офтоб,
 Кўринур мардум кўзина сел илан кўпмиш ҳубоб,
 Суя ҳар эвким кедар ашки равонимдан маним.

Эй хаёлинг хилвати нақди равоним махзани,
 Кўз ёши ўлур равон ҳар гаҳ хаёл этсам сани,
 Лутф умуб сандан, сари кўйингда этдим маскани,
 Кел, кўзим нури, Фузулийтақ чўқ оғлатма мани,
 Инжимазми хотиринг оҳу фиғонимдан маним.

(Ҳабибий ғазалига мухаммас)

То жунун рахтин кийиб, тутдим фано мулкин ватан,
 Аҳли тажридам, қабул этман кабову пираҳан,
 Ҳар кабоу пираҳан кийсам мисоли ғунча ман,
 «Гар санинг-чун килмасам чок, эй бути нозикбадан,
 Ғурум ўлсин бу кабо, этнимда пираҳан кафан».

Гарчи савдои сари зулфингдаман зору залил,
 Кечман ул савдодан ўлдукча манга умри тавил,
 Сонма, тарк эдам бу савдои гар ўлсам ҳам қатил,
 «Чикмая савдои зулфинг бошдан, эй маҳ, гар юз йил
 Устухони каллам ичра тутса ақраблар ватан».

Ғолиб ўлди субҳидам шавки гули рўйинг манга,
 Сайри боғ этдимки, бўйи гул вера таскин манга,
 Гул кўриб, ёдинг-ла дурри ашк сочдим ҳар ёнга,
 «Душди шабнам, боға кир, то гул нисор этсун санга,
 Сабзанинг ҳар баргина бир дурки, топширмиш чаман».

Дер эдим, эй дил, кетурма ҳеч дард аҳлина шак,
 То сани ҳам солмасин бир дарда даврони фалак,
 Олмадинг панд эмди, ошиқсан, ишинг оҳ айламак,
 «Эй кўнгил, ишк аҳлина ҳар шаб кулардинг шамътак,
 Ман демазмидимки, тонгла оғлаясидур кулан».

Хоҳ синжоб айласин фаршин, Фузулий, хоҳ қил,
 Ҳажр ила мутлак юку кўрмаз кўз, айланмаз кўнгил,
 Ёрсиз ишк аҳлининг дингланмаги мумкин дагил,
 «Неча динглансин Ҳабибий сансиз, эй андоми гул
 Ким, ботар жисмина танда ҳар тук ўлмиш бир тикан».

(Лутфий газалига мухаммас)

Жондадур субхи азалдан мехри рухсоринг санинг,
 Нула то шоми абад ўлсам талабгоринг санинг,
 Энди, жоно, бўлмамиш минг ошики зоринг санинг,
 Эй азалдан то абад кўнглим гирифтोरинг санинг,
 Чора килким, бўлди жоним асру дармонинг санинг.


Тутдилар ташхиси дард эчун муолижлар раким,
 Топди бу сиххатки, сиххатдан якиндур ўлмагим,
 Чун якин ўлди давосиз дард илан жон вермагим
 Жон верур чоғинда Тангри-чун қошимға кел, бегим,
 Бори кўрмиш бўлғаман бир лаҳза дийдоринг санинг.

Хўбларни имтихон килмоқда чўх чекдим жафо,
 Нолаи зор ила, билдим, дарди дил бўлмаз шифо,
 Ман синодим, шимди сан пандим эшит, кил иктифо¹,
 Чунки хўблар мазхабинда йўқ эмиш расми вафо,
 Эй кўнгил, на ера еткай нолаи зоринг санинг?

Кўнглим олди ул икки айёр чашми пурхумор,
 Шимди жон қасдин ҳам этмишлар на макр иланки вор,
 Урф ичинда ўлса ҳар айёр кавли устувор,
 Шаръ илан гар тутсалар усрук сўзина эътибор,
 Қонима вергай донуклик икки айёринг санинг.

Сонма, жавр этсанг, Фузулий инжиниб таркин кила,
 Гар жафо кил, гар вафо, жони фидо сан қотила,
 Ман худ ўлдим, эмди сан тиғи жафо олиб ала,
 Лутфини ўлдирсанг, эй дилбар, жафо тиғи била,
 Анда ҳам бўлғай манинг руҳим мададкоринг санинг.

¹ И к т и ф о – конқиш, кифояланиш.



МУСАДДАС

Дун соя солди бошима бир сарви сарбаланд¹
 Ким, кадди дилрабо эди, рафтори дилписанд,
 Гуфтора келди ногаҳ очуб лаъли нушханд,
 Бир писта кӯрдим анда тӯкар реза-реза канд,
 Сурдим: «Магар бу дуржи даҳандур»², – дедим, деди:
 «Йӯх, йӯх, давои дарди ниҳонингдурур санинг!»

Эгмиш ҳилоли устина тарфи³ кулоҳини⁴,
 Чӯх дилшикастанинг кука етурмиш оҳини,
 Зулфин доғитди, гезлади абр ичра моҳини,
 Кӯрдим юзинда ҳалқаи зулфи сиёҳини,
 «Ул печу тоби чӯх на расандур?»⁵ – дедим, деди:
 «Даври руҳимда риштаи жонингдурур санинг!»

Вермиш фуруг⁶ шамъи руҳи кун чирогина,
 Солмиш шикаст⁷ сарв кади гул будогина,
 Дун сарвтак босанда кадам кӯз булоғина,
 Бир неча хордан алам эрмиш оёғина.
 «Гул баргина ботан на дикандур?» – дедим, деди:
 «Мужғони чашми ашкфишонингдур санинг!»

Сайр ила солди боға гузар ул суманузур⁸,
 Анвои зебу зийнат ила фасли навбаҳор,
 Очмиш гул узра сунбули гисуйи мушкбор⁹,
 Ёкмиш латиф оёғина гулбаргитак нигор.
 «Насрина ранги лола надандур?» – дедим, деди:
 «Ғамзам ҳаданги тӯкдиги конингдурур санинг!»

¹ Сарбаланд – боши юқори, юксак.

² Дуржи даҳан – оғиз садафи.

³ Тарф – 1) нигоҳ, назар; 2) кӯз; 3) окир, сунг.

⁴ Кулоҳ – бош кийим. Тарфи кулоҳ – кулоҳнинг учи, чети.

⁵ Расан – 1) ип, арқон; 2) соч урими.

⁶ Фуруг – ёруғлик, равшанлик.

⁷ Шикаст – синик, мажруҳ.

⁸ Суманузур – суман юзля, оҳ юзля.

⁹ Мушкбор – мушк ёғдирувчи.

Сели сиришким ўлди равон хоки кўйина,
Жон вола¹ ўлди лаъли лаби гуфтугўйина,
Дил душди доми силсилаи мушкбўйина²,
Ул лахзаким, саташди кўзим зулфу рўйина,
«Ақраб³ махи мунира⁴ ватандур,» – дедим, деди,
«Ваҳм айлаким, хатарли киронингдурур⁵ санинг!»

Душмиш узори узра муанбар салосили⁶,
Ошуфтаҳол эдуб неча бесабру бедили,
Аклими вола айлади шаклу шамоили⁷,
Кўз кўрди коматин, дилу жон ўлди мойили:
«Ваҳ, бу на турфа сарви чамандур?» – дедим, деди:
«Манзури дийдаи нигоронингдурур санинг!»

Дун субҳидамки, лолаву насрин солуб ниқоб,
Гул чехрасиндан олди сабо пардаи хижоб,
Гулзора чиқди сайр эда ул рашки офтоб,
Шабнам нисор этди гунаш лўълўи хушоб⁸,
«Лўълўи, йўхса дурри Адандур?»⁹ – дедим, деди:
«Абсам¹⁰, Фузулий, ашки равонингдурур санинг!»

¹ Вола – ошик, шайдо, мафтун.

² Силсилаи мушкбўй – мушк хидли соч халқалари.

³ Ақраб – чаён; Чаён буржи.

⁴ Мунир – мунаввар, порлок.

⁵ Киرون – икки сайсранинг бир буржда гўкнашуви. Бу ерда шоир маъшуканинг чаёндай бурама зулфларининг ойдаи порлок юзларига тушиб турганини шу ҳодисага ўхшатыпти.

⁶ Салосил – занжирлар; соч урими.

⁷ Шамоил – 1) феъл-атвор, хулқ; 2) сурат, комат.

⁸ Лўълўи хушоб – сержило марварид.

⁹ Дурри Адан – Адан дури. Энг аъло сифатли дур. Адан – Яманнинг жанубида жойлашган шаҳар. У ўзининг олий навли дурлари билан машҳур бўлган.

¹⁰ Абсам – лол, соков бул.



МУРАББАЪЛАР

Ҳосилим барки ҳаводисдан маломат доғидур,
Маснадим¹ куйи маломатда фано тупроғидур,
Зор кўнглим танда зиндони бало дутсоғидур²,
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

Давр жавриндан тану жонимда роҳат қолмади,
Сурати ҳолимда осори фароғат қолмади,
Меҳнату ғам чекмага минбаъд токат қолмади,
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

Кўнглиминг мулкин жафо селоби вайрон айлади,
Бахтиминг ҳолин ҳужуми ғам паришон айлади,
Бағрими андишан даври фалак қон айлади,
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

Интиҳосиз жаврлар ўдлара ёндирди мани,
Ожи³ сўзлар тотли жонимдан ўсондирди мани,
Халқдан беҳуда фарёдим ўтондирди мани,
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

Истаюб бир чора, чўх елдим, югурдим ҳар ёнга,
Раҳм эдуб, бир кимса имдод этмади мутлак манга,
Чорасиз қолдим, мурувват истаюб келдим санга,
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

¹ М а с н а д – 1) ўрин, тахт; 2) даража, мартаба; 3) остана, даргоҳ.

² Д у т с о г – тутқун.

³ О ж и – вччик.

Дода келдим адл девонина¹, фарёдим эшит!
 Санки, одилсан, кўр афғоним надандур, гавра² эт!
 Шарҳи холим сўр, муродим вер, алим тут, фикрим эт,
 Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур!

Кўр Фузулийнинг руҳи зардинда ашки оlines,
 Пардаи идбор тутмиш сураги икболини,
 Дардмандингдур, иноятлар эдуб, сўр холини,
 Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

2

Паришонҳолинг ўлдим, сўрмадинг холи паришоним
 Ғамингдан дарда душдим, қилмадинг тадбири дармоним,
 На дерсан, рўзгорим бўйлами кечсун, гўзал жоним,
 Кўзим, жоним, афандим, севдигим, давлатли султоним!

Асири доми ишқинг ўлали сандан вафо кўрман,
 Сани ҳар қанда кўрсам, аҳли дарда ошно кўрман,
 Вафоу ошнолик расмини сандан раво кўрман,
 Кўзим, жоним, афандим, севдигим, давлатли султоним!

Тегар ҳар дам вафосиз чарх ёйиндан манга минг ўх,
 Кима шарҳ айлайимким, меҳнату андуху дардим чўх,
 Санга қолди мурувват, сандан ўзга ҳеч кимсам йўх,
 Кўзим, жоним, афандим, севдигим, давлатли султоним!

Кўзимдан дам-бадам бағрим эзиб, ёшим киби кетма!
 Сани тарк этмазам чун ман, мани сан дахи тарк этма!
 Амондур, золим ўлма, ман киби мазлуми инжитма!
 Кўзим, жоним, афандим, севдигим, давлатли султоним!

¹ Адл девони — адолат даргоҳи.

² Гавра — бирор нарсанинг ҳақиқати, моҳияти, тағи.

Қати кўнглинг надан бу зулм ила бедода роғибдур,
Гўзаллар сан киби ўлмаз, жафо сандан на вожибдур?
Санингтак нозанина нозанин ишлар муносибдур,
Кўзим, жоним, афандим, севдигим, давлатли султоним!

Назар килмазсан аҳли дард кўздан окидан сайла
Ёмонликдур ишинг ушшок ила, яхшимидур бўйла?
Кел, Аллоҳи севарсанг, ошиқа жавр этма, лутф айла!
Кўзим, жоним, афандим, севдигим, давлатли султоним!

Фузулий шеваи эхсонинг истар бир гадойингдур,
Дирилдикча санинг кўйинг ўланда хоки пойингдур,
Керак ўлдир, керак қўй, ҳукм – ҳукминг, роъй – роъйингдур,
Кўзим, жоним, афандим, севдигим, давлатли султоним!

3

Ғайр ила ҳар дам надир сайри гулистон этдигинг?
Базм уруб, хилват килуб, юз лутфу эхсон этдигинг?
Аҳд бунёдин мурувватдирми вайрон этдигинг?
Кони, эй золим, бизим-ла аҳду паймон этдигинг?

Лаҳза-лаҳза муддаиилар пандини гўш айладинг,
Қона-қона ғайр жоми шавкини нуш айладинг,
Вора-вора аҳду паймони фаромуш айладинг,
Кони, эй золим, бизим-ла аҳду паймон этдигинг?

Ғайра солуб меҳринги, биздан совитдинг оқибат,
Тарки меҳр этдинг, тарики зулм тутдинг оқибат,
Аҳдлар, паймонлар этмишдинг, унутдинг оқибат,
Кони, эй золим, бизим-ла аҳду паймон этдигинг?

Журмимиз нўлдики, биздан айладинг безорлик?
 Биз ғаминг чекдик, сан этдинг ўзгая ғамхорлик,
 Сизда одат бумидир, бўйла ўлурми ёрлик?
 Қони, эй золим, бизим-ла аҳду паймон этдигинг?

Чархтак бадмеҳрлик расмини бунёд айладинг,
 Яхши одинг вор экан, дўндинг, ямон од айладинг,
 Дуна-дуна бизни ғамнок, ўзгайи шод айладинг,
 Қони, эй золим, бизим-ла аҳду паймон этдигинг?

Гўнглимиз минбаъд зулфинг-чун паришон ўлмасун,
 Бағримиз лаълинг ҳавоси-ла дохи кон ўлмасун,
 Бевафосан, чашмимиз ёдинг-ла гирён ўлмасун.
 Қони, эй золим, бизим-ла аҳду паймон этдигинг?

Ваъдаи васл ила олдинг сабримиз, оромимиз,
 Ўлмади бир кун висолингдан муяссар комимиз,
 Кечди ҳажр ила Фузулийдан батар айёмимиз,
 Қони, эй золим, бизим-ла аҳду паймон этдигинг?

4

Гирибон ўлди расволик али-ла чок, доман ҳам,
 Манго расволиғимда дўстлар таън этди, душман ҳам,
 Раҳи ишк ичра жон килдим гирифтори бало, тан ҳам,
 Бу етмазми, бир дард ортурурсан дардима сан ҳам?!

Агар тутсам ғамим элдан нихон, сабру қарорим йўқ,
 Вагар шарҳи ғами пинҳоним этсам, ғамгусорим йўқ,
 Асири банди зиндонам, алимда ихтиёрим йўқ,
 Бу етмазмики, бир дард ортурурсан дардима сан ҳам?!

Ўлубдир ашки хуноби-ла гулгун чехраи зардим,
Ёнубдир оташи ҳижрона жони дардпарвардим,
Жафои чархи кажрафтор алиндан вор минг дардим,
Бу етмазмики, бир дард ортурурсан дардима сан ҳам?!

Гаҳи шавқи висолу гаҳ балои ҳажр ила зорам,
Ўзим ҳам билмазам дардим надир, ман неча беморам,
Ғами ишқ ичра бир дармони йўқ дарда гирифторам,
Бу етмазмики, бир дард ортурурсан дардима сан ҳам?!

Жудо сандан балоу дарди ҳижрон ила дутдим хў,
Қилур ҳар дам манго бедод дард ойру, бало ойру,
Балоу дарда душдим, рўзгорим бўйла, холим бу,
Бу етмазмики, бир дард ортурурсан дардима сан ҳам?!

Табиби ишқа чун изҳор қилдим дарди пинҳони,
Мани бемора мутлақ ўлмади бир сиҳҳат имкони,
Азалдан вор бир дардимки, йўқдир ҳеч дармони,
Бу етмазмики, бир дард ортурурсан дардима сан ҳам?!

Фузулий, ҳар замон бир таънила бағрим қилурсан қон,
Ажаб, билмазмисанки, ишқдан кечмак дагил осон?
Билурсан, душмишам бир дардаким, йўқдир анго дармон,
Бу етмазмики, бир дард ортурурсан дардима сан ҳам?!

5

Неча бир васвасаи ақл ила ғамнок ўлалим?
Гелинг, олойиши ғамдан чиқалим, пок ўлалим,
Нашъаи май бўлалим, қобили идрок ўлалим,
Масту мадхушу хароботию бебок ўлалим.

Риндлар базмина сармаст, сабутак кирубон,
Завк боғина гируб, жом гулини дерубон,
Мая дерларса баҳо, ақл матоъин верубон,
Масту мадхушу хароботию бебок ўлалим.

Пойбасти майи софий ўлалим дурд мисол,
Вералим сокия жон, айлаялим касби камол,
Нашъада билмаюбан олами кайфияти ҳол,
Масту мадхушу хароботию бебок ўлалим.

Май хубоби киби майхонада бир эв дутубон,
Ақди ангур киби бир орая бош чотубон,
Олсалар дин ила дунёи шароба сотубон,
Масту мадхушу хароботию бебок ўлалим.

Бодадан ғайриким, ғам дафъина бир жом етар,
Нақдни насяя ҳар ким веражак ўлса йитар,
Эй Фузулий, равиши аҳли риёдан на битар?
Масту мадхушу хароботию бебок ўлалим.



МАСНАВИЙ

Сокий, мадад этки, дардмандам,
Ғам силсиласина пойбандам.

Ғам дардина жоми май даводир,
Тадбири ғам айламак раводир.

Сандан на иноят ўлса воқеъ,
Фикр этмаки, банда ўла зоеъ.

Ман бир садафам, сан абри найсон,
Вер катрау от дурри ғалтон.

Сансан хуршиду ман сиях хок,
Вер оташу ол жавоҳири пок.

Раҳм этки, ғарибу дардмандам,
Бемунису ёру мустамандам.

Ул бир неча ҳамдами мувофик,
Яъни шуаройи рӯзи собик,

Тадриж ила келдилар жаҳона,
Таъзим ила ўлдилар равона.

Даврон улари муаззам этди,
Ҳар давр бирин мукаррам этди,

Ҳар бирина ҳомий ўлди бир шоҳ,
Завки суханиндан ўлди огоҳ.

Турку Арабу Ажамда айём
Ҳар шоира вермиш эди бир ком.

Шод этмиш эди Абу Нувоси
Ҳорун халифанинг атоси.

Булмишди сафойи дил Низомий,
Ширвоншаха душуб кироми,

Ўлмишди Навоийи суҳандон
Манзури шаҳаншоҳи Хуросон.

Сўз гавҳарина назар солонлар,
Ганжина веруб, гуҳар олонлар.

Чун қолмади – қолмади фасоҳат,
Арбоби фасоҳат ичра роҳат.

Ул тоифа чекди хиркая бош,
Ҳолатларин этмаз ўлдилар қош.

То ўлмаё расми шеър мафқуд¹,
Абвоби² фунуни назм масдуд.

Лозим манга ўлди ҳифзи қонун,
Забти насақи каломи мавзун.

Ночор дутуб тариқи номус,
Роҳатдан ўлуб мудом маъюс,

Аҳди сўза устувор қилдим,
Ашъор демак шиор қилдим.

¹ Мафқуд – йуқолган.

² Абвоб – эшиқлар.

Чун халқа хилофи муддаоям,
Онлар зүүминча сустроъям.

Хар сүзки, келур зухура мандан,
Минг таъна булур хар анжуманданю.

Айлар хасад ахли йиғлаюб кин,
Тахсин эвазина нафъю нафрин¹.

Уммидки, рафъ ўлуб кудурат,
Тағйирпазир ўла бу сурат.

Ул қавм бу гулшана киранда,
Бу гулшан ичинда гул деранда.

Гул тоза эди-ю, сабза навхез,
Депрандикча насими гулрез.

Онлар гули дердилар, мани зор
Ҳоло диларам, дерам, хасу хор.

Бу базма улар веранда тазйин²,
Май соф эди, базм ҳам навойин,

Май софи улара ўлди рўзи,
Қолди манга доғи дурд сўзи,

Бу дурда ман ўлмишам ҳавохох,
Бир нашъа верарми, билмазам, ох...

¹ Нафрин – нафрат.

² Тазйин – зийнатлаш, безаш.

A decorative page layout featuring a central oval frame containing the text 'КІТЪАЛАР'. The oval is surrounded by intricate, symmetrical floral and scrollwork patterns. The entire design is enclosed within a rectangular border with ornate, scrolled corners.

КІТЪАЛАР

1

Чўх тафохур қилма жамъи мол ила, эй хожаким,
 Сийму зар¹ жамъияти² аҳли ғурур айлар сани.
 Боргоҳи курбдан жамъияти асбобу мол
 Ҳар на миқдор ўлса, ул миқдор дур айлар сани.
 Гарчи неъмат чўх, кифоятдан тажовуз қилмаким,
 Имтило³ бори бадандир, беҳузур айлар сани.

2

Аҳли камола жохил агар кадр қилмаса,
 Маъзурдур, маломатин этмак раво дагил.
 Жохил табиатинда мазоки камол йўк,
 Ҳар нафса иқтидоий табиат хато дагил.
 Улфат ҳамиша фаръи⁴ ўлур ошнолиғинг,
 Жохил фазилат аҳли ила ошно дагил.

3

Эй сафои суратинг қайдин чекан, билким, ҳануз
 Зангдан ойинаи идрокинги пок этмадинг.
 Зангдир ойинаи идрока ҳар суратки вор,
 Сан ҳануз, эй сода, бу мазмуни идрок этмадинг.

4

Парда чек айбина зулмат киби халқинг доим,
 Гар диларсанки, насиб ўла сана оби ҳаёт.
 Қилма хуршид киби айбнамоликки, фалак
 Ера солмая сани баъд улуввуд-даражот⁵.
 Жаҳд қил, зотинг ўла мазҳари осори қабул,
 Қилма ул жоҳа тафохурки, ўла хорижи зот.

¹ Сийму зар – олтин-кумуш

² Жамъият – бу ерда: йнгиш, тушлаш.

³ Имтило – тулиш, туйиш.

⁴ Фаръ – қисм, булак, тармок.

⁵ Баъд улуввуд-даражот – улуг мартабалардан кейин.

Фазл ўлур сонма санга манзилати¹ аслу насаб,
Жоҳ ўлур сонма санга касрати асбобу жиҳот².
Ориятдан³ ўзингга қилма қамартак зийнат,
Ғайрдан ориятинг нур эса ҳам ёзия от.

5

Эй муаллим, олати⁴ тазвирдур ашрора⁵ илм,
Қилма аҳли макра таълими маориф⁶ зинҳор!
Ҳийла учун илм таълимин қилан муфсидлара⁷,
Қатли ом⁸ учун верар жаллода тиғи обдор⁹.
Ҳар на тазвир этса аҳли жаҳл¹⁰, анга ўлмаз сабот,
Макри аҳли илмдур асли фасоди рўзгор.

6

Бахил қилмаса жамъ этдиги дирам¹¹ сарфин,
Ниҳоли мақсади сарсабз¹² ўлуб, самар вермаз.
Алиндаги гуҳари базл¹³ қилмаса мумсик,
Шаби ғамина амал муждаи сахар вермаз.
Туганмайинча кавоқиб, гунаш тулуъ¹⁴ этмаз,
Туқилмайинча шукуфа ниҳол бар вермаз.

¹ М а н з и л а т – мартаба, мақом, даража.

² Ж и ҳ о т – бу ерда: нарсалар, буюмлар. А с б о б у ж и ҳ о т – молу дунё ва зебу зийнат.

³ О р и я т – омонат, бирор нарсани вақтинча олиш.

⁴ О л а т – асбоб, қурол.

⁵ А ш р о р – бадқирдор, ёмонлик қилувчи, кўп зарар етказувчи.

⁶ М а о р и ф – маърифат.

⁷ М у ф с и д – бузуки, бадқор, фасод қилувчи.

⁸ Қ а т л и о м – ялпи қирғин.

⁹ О б д о р – ўтқир, кесқир.

¹⁰ А ҳ л и ж а ҳ л – жоҳиллар, нодонлар.

¹¹ Д и р а м (д и р ҳ а м) – кумуш танга.

¹² С а р с а б з – кўқарган, яшнаган.

¹³ Б а з л – 1) сарф, харж; 2) инъом, эҳсон.

¹⁴ Т у л у ъ – чиқиш.

7

Эйки, андишаи мол ила саросима ўлуб,
 Дуну кун дахрда ошуфта кечар аҳволинг.
 Жамъи мол айладигинг роҳат эчундур, аммо
 Роҳатинг ўксук ўлур ҳар неча ортар молинг.
 Мол чўх йиғма, ҳазар айла азобинданким,
 Ранжи ортар оғир ўлдикча юки ҳаммолинг.

8

Ўлса мақсудингча даврони фалак бир неча кун,
 Ўлма мағрур, эйки, холи даҳр равшандур санга.
 Котили обову¹ аждодинг муоф² этмаз сани,
 Умма³ андан дўстлиқ расминки, душмандур санга.

9

Ҳамиша дўстим улдур дерамки, мол вериб,
 Килур табиатимни бастаи алоқаи мол.
 Ибодати Ҳақу касби улум⁴ учун мутлак
 Қўймоз мулоҳазаи забти мол манда мажол.
 Мудом душман анга сўйларамки, молим олиб,
 Манга муяссар эдар неъматин фароғати ҳол.
 Ҳузури қалб верар равнаки ибодати Ҳақ,
 Фароғи хотир ўлур мужиби⁵ ҳусули⁶ камол.
 Фигонки, дўстими душманимдан этман фарқ,
 Камоли жаҳл ила авқот сарф ўлур маҳу сол.
 Бу жаҳл ила ўзими аҳли маърифат сонурам,
 Зиҳи тасавури ботил, зиҳи хаёли маҳол.

¹ О б о – ота-боболар.

² М у о ф – афв этиш.

³ У м м а – умид қилма.

⁴ У л у м – илмлар, билимлар.

⁵ М у ж н б – сабаб, боис.

⁶ Ҳ у с у л – ҳосил бўлиш, эришиш.

10

Зулм ила оқчалар олуб золим
Айлар инъом халка миннат ила.
Билмаз ониким, этдиги хайра
Кўражакдур жазо мазаллат¹ ила.
Муддаоси буким, ризои Илох
Анга ҳосил ўла бу одат ила.
Жаннати олмоқ ўлмаз оқча ила,
Кирмоқ ўлмаз биҳишта ришват² ила.

11

Минг экан кадру кийматинг, бир ўлур
Музтариб ўлса қалбинг, эй ориф!
Айла таскини қалб ҳосилким,
Алфи таҳриқи қалб айлар алиф³.

12

Улдур ғазалки, файзи анинг ом⁴ ўлуб мудом,
Оройиши мажолиси⁵ аҳли қабул⁶ ўла.
Вирди забони⁷ аҳли сафову сурур ўлуб.
Мазмуни завкбахши сариул хусул⁸ ўла.
Андан на судким, ўла мубҳам иборати⁹,
Ҳар ерда истимоъин¹⁰ эданлар малул ўла.

¹ М а з а л л а т – хор-зорлик.

² Р и ш в а т – пора.

³ «А л ф» арабча «минг» демак, «алиф» абжад ҳисоби билан «бир»га тенг.

⁴ О м – бу ерда: барчага баробар.

⁵ М а ж о л и с – мажлислар, лавралар.

⁶ А х л и к а б у л – бу ерда: илму алаб аҳли.

⁷ В и р д и з в б о н – бу ерда: тилда такрорланадиган.

⁸ С а р и у л – х у с у л – тез ҳосил бўлиш.

⁹ И б о р а т – 1) ибора, сўз; 2) баён, талкин, ифода.

¹⁰ И с т и м о ъ – тинглаш, эшитиш.

13

Сарф накди умр эдуб, ман касби ирфон этмишам,
 Ахли дунё ҳам камоли жаҳл ила таҳсили мол.
 Даҳр бир бозордур – ҳар кас матоъин арз эдар:
 Ахли дунё – сийму зар, ахли ҳунар – фазлу камол.
 Кимга мандан нафъ бўлмаз, истаман нафъин анинг,
 Улки, йўк нафъим анга, нафъи манга ўлмаз ҳалол.
 Истаман нодон манга гар верса ганжи сийму зар
 Ким, эвазсиз мола нодондан тасарруфдир вубол.

14

Айлаюб нодона арзи фазлу изҳори ҳунар,
 Шармсор этмак ато уммок надур зулми сарих!
 Сан билурсан мужмалан¹ андан на олурсан вале,
 Билмаз улким, олдиғи сандан ҳасандур ё кабиҳ.
 Зоҳиран сотмок ҳунар, олмок ато бир байъдур²,
 Тифлдур нодон, буюрмаз шаръ анинг байъин саҳих³.

¹ Мужмалан – киска, қискача.

² Байъ – савдо-сотик.

³ Саҳих – тугри, ишончли.

15

Ҳар киминг вор эса зотинда шарорат¹ куфри,
Истилоҳоти² улум ила мусулмон ўлмаз.
Гар қаро тоши кизил қон ила рангин эдасан,
Тобъа³ тағйир вериб, лаъли Бадахшон⁴ ўлмаз.
Айласанг тўтия таълим адойи калимот⁵,
Нутқи инсон ўлур, аммо ўзи инсон ўлмаз,
Ҳар узун бўйли шижоат эда билмаз даъво,
Ҳар оғочким, бўй ота сарви хиромон ўлмаз.

16

Эй хожа, гар қулингдан ўғуллик мурод эса,
Шафқат кўзи-ла боқ анга доим ўғул киби.
В-ар ўглинги диларсан ўла соҳиби адаб,
Албатта айла зиллата⁶ муътод қул киби.

17

Даҳр бир селобдур мулҳак⁷ адам дарёсина,
Бизки, саргардонмиз, ул селоба душмиш хору хас.
Чиркинур хору хас ул селоб ўлдикча равон,
Етмадан дарёя роҳат мумкин ўлмаз бир нафас.

¹ Шарорат – ёмонлик, ярамаслик.

² Истилоҳот – терминлар, атамалар.

³ Тобъа – бу ерда: товланишига, рангига.

⁴ Лаъли Бадахшон – лаълнинг энг аъло нави булиб, Бадахшон тоғларида ҳосил булади.

⁵ Калимот – сузлар, жумлалар.

⁶ Зиллат – ҳорлик.

⁷ Мулҳак – пайваста, ҳамроҳ.

18

Кафи хирс ила доим домани дунёйи дун тутсанг,
 Замона шурбахт айлар сани пайваста дарётак.
 Мулаввас¹ улмаюб, тажрид ила чиксанг бу оламдан
 Сани золи фалак² хуршида жуфт айлар Масихотак³.

19

Эй кунгил, мутлак ибодат қилмаюб умринг тамом
 Айладинг савдойи зулфи ҳар парирухсора сарф.
 Соч оқарди, кел, етар, миръоти бахтинг тийра қил,
 Умрдан бир дамки қолмиш, айла истиғфора⁴ сарф.

20

Хирадмандеки, доим олами илм ичра сайр айлар,
 Асолиби⁵ фунуни⁶ шеърдан албатта ғофилдур.
 Мазоки шеър ҳам бир ўзга оламдур, ҳақиқатда
 Ики олам мусаххар айламак ғоятда мушкилдур.

¹ Мулаввас – ифлос, булганч.

² Золи фалак – фалак, осмон.

³ Исо алайҳиссалом мақом тутган туртнинчи осмон Куёш буржида бўлиб, улар ўр-гасидаги яқинлик ва боғлиқлик сабаби шунда.

⁴ Истиғфор – тавба қилиш.

⁵ Асолиб – услублар.

⁶ Фунун – 1) санъатлар; 2) фанлар.

Подшохи мулк динору¹ дирам ришват вериб,
 Фатҳи кишвар қилмоға айлар муҳайё лашқари.
 Юз фасоду фитна таҳрики-ла бир кишвар олур,
 Ул дахи осори амну истикоматдан бари.
 Гўстаран соатда даврони фалак бир инқилоб
 Ҳам ўзи фоний ўлур, ҳам лашқари, ҳам кишвари.
 Кўр на султонам мани дарвешким, файзи сухан
 Айламиш иқболими осори нусрат² мазҳари.
 Ҳар сўзим бир паҳлавондурким, бўлур таъйиди³ Ҳақ.
 Азм қилдиқча дутар тадриж ила баҳру бари⁴.
 Қандаким, азм этса, марсуму⁵ мавожиб⁶ истамаз,
 Қонси мулки дутса, тегмаз кимсая шўру шари⁷.
 Поймол этмаз ани осибиди даври рўзгор,
 Айламаз таъсир анга даврони чархи чанбари⁸.
 Қилмасун дунёда султонлар манга таклифи жуд⁹,
 Басдурур бошимда тавфиқи қаноат афсари.
 Ҳар жиҳатдан фориғам, оламда хошоқим, ўла
 Ризқ учун аҳли бақо аҳли фанонинг¹⁰ чоқари.

¹ Д и н о р – олтин танга.

² Н у с р а т – зафар, галаба.

³ Т а ъ и й д – мадал қилиш, қувватлаш.

⁴ Б а х р у б а р – сув ва қуруқлик; бутун дунё.

⁵ М а р с у м – одат булган, расм қилинган.

⁶ М а в о ж и б – белгиланган.

⁷ Ш у р у ш а р – фитна ва фасод.

⁸ Ч а р х и ч а н б а р – айланувчи чарх.

⁹ Ж у д – сахийлик, илғом, эҳсон.

¹⁰ Бу ерда: а х л и б а қ о – Ҳаққа яқин кишилар, тарқи дунё қилганлар, а х л и ф а н о – дунёга берилганлар, Аллоҳни унутганлар.

22

Садои най ҳаром ўлсун дединг, эй сўфийи жохил,
 Ела вердинг хилофи шаръ ила номусин исломинг.
 Бу андом ила важдиятдан¹ дам урмоқ истарсан,
 Илоҳи, най каби суроҳ-суроҳ ўлсун андоминг².

23

Муттасил маърифат аҳлини оёқлара солиб,
 Фалаки сифла³ килур меҳнату ғам помоли.
 Улки жохилдур, эдуб жумла муродин ҳосил,
 Ўтибор ила қилур маснади кадрин оли(й).
 Бу сабабдан билурамки, бу жаҳон авратдур⁴,
 Авратинг буйладур авлоди ила афъоли⁵.
 Улу авлоди кесар суддану таъдиб⁶ верар,
 Суд вериб, лутф ила боғлар бешия атфоли.⁷

24

Ёками панжаи таҳфиви⁸ раҳи шаръ тутар.
 Домани маърифати аҳли раёсат⁹ тутсам.
 Чанги ифлос тутар ойинаи роҳатими
 Тарки ҳукком¹⁰ килиб, кунжи каноат тутсам,
 Ҳеч ҳолатда бўлинмаз асари роҳати дил,
 Ўлурам музтарибул-ҳол¹¹ на санъат тутсам.

¹ Важдият – муҳаббат, завқу шавқ, беҳудлик.

² Андом – бу ерда: тан, жисм.

³ Сифла – паст, губан.

⁴ Аврат – яширин жой, бу ерда: аёл, хотин.

⁵ Афъол – фсъллар, қилмишлар, ишлар.

⁶ Таъдиб – адаб бериш, тийиш.

⁷ Атфол – болалар, гудақлар.

⁸ Таҳвиф – кўрkitиш.

⁹ Раёсат – раислик, бошлиқлик. Аҳли раёсат – ҳукмдорлар, амалдорлар.

¹⁰ Ҳукком – ҳокимлар, подшоҳлар, ҳукм қилувчилар.

¹¹ Музтарибул-ҳол – парижон, бетокат.

25

Дўғрулиғ ила иста улувви макомким,
Келдикча ҳолинга вера даври фалак ривож.
Дўғрулиғ ила ҳарфлара садрдур¹ алиф,
Ё ҳарфини оёға бурокмишдур эъвижож².
Дўғрулар ила кезки, сани сарбаланд эда,
Эгрилар ила айлама албатта имтизож³.
Ё ихтилот ила сарир⁴ ўлди поймол,
Бошда маком тутди алиф нусрати-ла тож.

26

Муддаи айлар манга тақлид назму насрда,
Лек номарбут⁵ алфозу⁶ мукаддар зоти вор.
Паҳлавонлар бодполар⁷ сакраданда ҳар ёнга
Тифл ҳам жавлон эдар, аммо оғочдан оти вор.

27

Ул сабабдан форси лафз ила чўхдур назмким,
Назми нозик турк лафзи-ла экан, душвор ўлур.
Лаҳжаи турки қабули назм таркиб айласа,
Аксарин алфози номарбуту ноҳамвор⁸ ўлур.
Банда тавфик ўлса, бу душвори осон айларам,
Навбахор ўлғоч, дикандан барги гул изҳор ўлур.

¹ С а д р – бошлик .

² Эъ в и ж о ж – эгрилик, нотугрилик. Араб алифбосидаги алиф («а») – таёқдай тугри, ё («и»), «е») – камондай эгри. Бу ерда шунга ишора қилинмоқда.

³ И м т и з о ж – аралашини.

⁴ С а р и р – 1) тахт; 2) улуглик.

⁵ Н о м а р б у т – боғланмаган, қовушмаган.

⁶ А л ф о з – сузлар, иборалар, жумлалар.

⁷ Б о д п о – учқур от.

⁸ Н о ҳ а в б о р – нотекис.

28

Ман субху шом дуди дили сўзнок ила
 Бағрим кабоб эдуб, верарам чарха инкилоб.
 Хуту ҳамал мадори ила осмон дахи
 Кон уддуриб, верар дили сўзонима азоб.
 Дунёда йўқ фароғата уммид, нетаким,
 Кон уддурур, нетаким, жизкинур кабоб.

29

Илм касби-ла рутбаи рифъат
 Орзуйи маҳол эмиш анжак.
 Ишк эмиш ҳар на вор оламда,
 Илм бир қилу қол¹ эмиш анжак.

30

Келинг, эй аҳли ҳақиқат, чиқалим оламдан,
 Ғайр ерлар кезалим, ўзга сафолар кўралим.
 Сайри гармияти ғавғойи қиёмат қилалим,
 Вазъи жамъияти ҳангомаи маҳшар кўралим.
 Равиши силсилаи даҳр малул этди бизи,
 Неча бир даҳрда авзои мукаррар кўралим.

31

Севарам ул нигори сиймбари
 Ки, жафопешаву ситамгардур.
 Нечаким, анга ишқбозлиғим
 Маъсият ўлдиғи мукаррардур.
 Жавр ила ул мудом манъим эдуб,
 Раҳи зуҳду салоҳа раҳбардур.
 Қобили ажр ўлурса жаври, нўла,
 Амри маъруфу² наҳйи мункардур³.

¹ Килу қол – беҳуда гал-сўз, баҳс-мунозара.

² Амри маъруф – яхши ишларга буюриш.

³ Наҳйи мункар – ёмон ишлардан қайтариш.

32

Неча бир нафс таманноси ила
Емаку ичмак ўла дилхоҳинг.
Айлаюб зуҳду вараъдан нафрат,
Тоати Ҳақдан ўла икроҳинг.
Маъбадинг матбах ўла шому сахар,
Мустароҳ ўла зиёраггоҳинг.
Бунинг учунми ўлубсан махлуқ?
Бумидур амри санга Аллоҳинг?

33

Эй козийи хужастоликоким, Ҳақ айламиш
Соҳибсарири маснади ҳукми казо сани.
Жаҳд айлаким, мулоҳазаи нафъ дуняви
Ҳукми қазода этмая аҳли хато сани.
Макбули халқ қилмиш экан илму маърифат,
Мардули Холик айламок иртишо сани.

34

Эй хато лафзи-ла Куръонинг шукухин синдиран,
Муъжизи оёти Куръондан ҳазар қилмазмисан?
Ҳар алиф бир ханжари хунрези буррондур санга,
Ханжари хунрези буррондан ҳазар қилмазмисан?
Бир ҳақими комилинг доруш-шифойи ҳикматин
Этмак истарсан хароб, ондан ҳазар қилмазмисан?

35

Эйки, оламда муҳаббат одини мазмун эдуб,
Ҳар замон бир моҳрухсоринг улурсан мойили.
Кечди умринг – шоҳиди мақсад жамолин кўрмадинг,
Шоҳиди мақсад соғинмиш, сан арода ҳойили.
Ориф эсанг, тута кўр сарриштаи файзи бако,
Тарқ қил бу сурати фонию накши зойили.



РУБОИЙЛАР

1

Хуш улки, дами ажал чекуб бодаи ноб,
Сармаст ётам қабрда то рӯзи ҳисоб¹.
Ғавғои қиёматдадурам масту хароб,
На фикри ҳисоб ӯла, на идроки азоб.

2

Сокий, карам эт, шароби гулфом² юрут!
Гулфом шароба верма ором, юрут!
Базм ичра ҳубоби ашки гулгуниддан
Минг жом юритма, жон учун жом юрут.

3

Жонимда ӯлан захираи нутқи ҳаёт,
Жисмимда ӯлан жавҳари ҳусни ҳаракот
Сарф ӯлмади ҳублар раҳи ишқинда,
Афсуски, беҳуда кечирдим авқот.

4

Таъмири бақову жамъи мол этдинг, тут!³
Ҳар орзу этдингса, анга етдинг, тут!
Чун умр бақосина тутулмаз уммид,
Ҳар ҳол ила келдигинг киби кетдинг, тут!

5

Дерларки, эдар ғунча лаби ёр ила баҳс,
Гулбарги тар ул лаъли гуҳарбор ила баҳс.
Ул бир неча дилсизлара тухматдур бу,
Даъвоё керак лаҳжаи гуфтор ила баҳс.

¹ Рӯзи ҳисоб – ҳисоб куни, қиёмат.

² Гулфом – гулранг, яъни қизил.

³ Тут – бу ерда: билмоқ, ҳисобламоқ.

6

Тутдикча ала соғари сахбойи сабух,
 Ортар асари завқи дилу роҳати рух.
 Тугёни ғама муфиддур завраки май,
 Туфон хатаринда ўйлаким, кишти¹ Нух.

7

Гул даври хуш улким, тута гулфом кадах,
 Базминда дами тутмая ором кадах,
 Ҳар субҳки, хуршид сифат колдира бош,
 Базмин безаюб, кездира то шом кадах.

8

Май шавки ўлубдур манга одат, эй шайх!
 Келдикча бу шавк ўлур зиёдат, эй шайх!
 Хушдур манга май, санга ибодат, эй шайх!
 Раъй² ила дагил ишқу иродат³, эй шайх!

9

Бир обу ҳаводур ашки гарму дами сард
 Ким, андан олур нашъу намо гулбуни дард.
 Гулзори ғаминг бинафшаву ёсумани
 Дуди дили ошуфтадиру чехраи зард.

¹ Кишти – кема.

² Раъй – гадбир.

³ Иродат – 1) истак, хоҳиш; 2) икхос, эътикод.

10

То даврдадур доираи кавну фасод¹,
Мумкин дагил ўлмоқ харакотиндан шод,
Тоси фалак ичра каъбатайни² анжум
Гўстармаз эмиш ҳеч кима накши мурод.

11

То маҳмили меҳрдур бу зангори маҳд,
Меҳринг-ла вафо аҳлинадур маҳкам аҳд.
Бирдур биза базмгоҳи ишқингда фалак
Гар қаҳр ила заҳр верса в-ар лутф ила шахд.

12

Ҳар ердаки, ул сиймбару сийминҳад³,
Арз айлая ораз, оча сунбул, чека қад;
Ранги гулу бўйи сунбулу жилваи сарф⁴,
Ҳукм айламазамким, ўла мақбули хирад⁵.

13

То бўйнима солди ул хама зулф каманд,
Тадбир ила очилмади бўйнимдан банд.
Чух панд верилди, улмади фоидаманд⁶,
Етмазми манга панд веран ҳалқа бу панд.

¹ Кавну фасод – борлигу йўқлик.

² Каъбатайн – нирд ўйинидаги тошлар.

³ Сийминҳад – ок юзли гузал.

⁴ Сарф – бу ерда: ўзгариш.

⁵ Хирад – ақл, ҳуш, зеҳн.

⁶ Фоидаманд – фойдали.

14

Дафъи ғами рӯзгорадир бода муфид,
 Рафъи алами ишқа рухи сода¹ муфид.
 Тарки маю маъшуқадур ул иллатким,
 Ўлмаз анга ҳеч нашта дунёда муфид.

15

Эй шахди лабинг сӯзи шакарвор лазиз!
 Лаълинг киби қанда бир шакар вор лазиз.
 Тунги² шакар ўлмасайди дуржи даҳанинг,
 Ўлмазди чикан лаҳжаи гуфтор лазиз.

16

Гар меҳнати касрдур³ ва гар неъматӣ сабр,
 Сабр ила қаноатда керак муслиму габр⁴.
 Ҳар неъматӣ меҳнатки верарсан, ё Раб,
 Вер неъматa бир қаноату меҳната сабр.

17

Ҳар дам манга ёр арзи рухсор айлар,
 Ҳуснина мани батар гирифтор айлар,
 Гуёки, камоли ишқ дарсин ўқидар,
 Ҳар дам манга таълимини такрор айлар.

¹ Р у х и с о д а – тиник, шаффоф юз, яъни гузал махбуба.

² Т у н г – оғзи тор идиш.

³ К а с р – синклик, шикасталик.

⁴ Г а б р – оташпараст, мажусий.

18

Ҳажринг жигарини ҳар киминг қон айлар,
Тадриж ила васлинг анга дармон айлар.
Зулфинг кимиким, муддат ила кофир эдар,
Лаълинг ани бир дамда мусулмон айлар.

19

Ҳар дилки, асири ғами хижрон ўлмаз,
Шойистаи¹ завқи васли жонон ўлмаз.
Ҳар дардки вор, вор дармони, вале
Бедардларинг дардина дармон ўлмаз.

20

Биз олами ишқ оламоларийиз,
Майхонаи дард дурдпаймоларийиз².
Гулбарги надомат чаманидур олам,
Биз бу чаманинг булбули шайдоларийиз.

21

Кимдурки, ғамингда нолаи зор этмаз,
Дардин санга нола ила изҳор этмаз.
Фарёдина ҳеч кимсанинг етмазсан,
Фарёдки, фарёд санга кор этмаз.

22

Жонон эса матлуб, тамаъ жондан кес!
Матлуб эса жон, умид жонондан кес!
Жон севмак ила муяссар ўлмаз жонон,
Ё бундан умид, ё тамаъ ондан кес!

¹ Ш о й и с т а – лойиқ, мувофиқ, муносиб.

² Д у р д п а й м о – май куйкасини ичувчи, ута майхур.

23

Сўзи дилим ашки олдан айла қиёс,
 Андуҳими заъфи ҳолдан айла қиёс.
 Хуршидқи, хуснинг-ла қилур баҳси камол,
 Тарқи адабин заволдан айла қиёс.

24

Адвори¹ замон доираи ҳайрат эмиш,
 Асбоби жаҳон маҳолику² меҳнат эмиш,
 Дунёя ҳавас этмамак этмакдан йик,
 Чун аввали хирсу охири ҳасрат эмиш.

25

Кўйингда санинг на тошақим, урдим бош,
 Қилдим ани ғарқи хун тўқуб кўздан ёш.
 Кўз ёшина раҳм айлақи, чўх муддатдур
 Бедодинга сабр эдуб, босар бағрина тош.

26

Эй касби камола эътиқодинг ноқис,
 Таҳсили камола ижтиҳодинг³ ноқис.
 Ор этма талабда, қил ҳазар анданқим,
 Комиллар ичинда ўла одинг ноқис.

27

Эй бод, қил аҳволими жононима арз!
 Саргашталигим сарви хиромонима арз!
 Ўлдирди киноят ила ағёр мани,
 Бу зулми сариҳи айла султонима арз!

¹ А д в о р – доиралар, айланмишлар.

² М а ҳ о л и к – хавф-хатарлар.

³ И ж т и ҳ о д – саъй-ҳаракат, интилиш.

28

Зохид, майи нобдандур икроҳ ғалат,
Сан хох сўзим саҳиҳ тут, хох ғалат.
Масжидлара кирдигим дагил рағбатдан,
Сармастлигимдан айларам роҳ ғалат.

29

Май манъини айлаюб шиор, эй воиз!
Тутдинг раҳи таъни ишқи ёр, эй воиз!
Тарки маю маҳбуб эдариз жаннат эчун,
Шарҳ айлаки, жаннатда на вор, эй воиз!

30

Парвоная зулми бехисоб айлар шамъ,
Зулм ўдина бағрини кабоб айлар шамъ,
Гўёки билур зулм саранжоми надур,
Бехуда дагилки, изтироб айлар шамъ.

31

Ҳар шом етар висоли жонона чароғ,
То субҳ колур ҳамдаму ҳамхона чароғ.
Рашк ўдина ёндирди мани ҳар соат,
Ваҳм айламаз оҳим ўдина ёна чароғ.

32

Ҳар гаҳки, баҳор қилди оройиши боғ,
Навмидлик¹ урди лолаваш бағрима доғ,
Зеро, тикан узра тутди булбул маскан,
Гул бод гузаргаҳинда ёндирди чароғ.

¹ Н а в м и д – умидсиз.

33

Йук дахрда бир мувофики таъб хариф
 Ким, сухбати дилкушо ўла, таъби зариф¹.
 Фарёдки, ножинс² мусохиблар³ ила
 Бефоида зоеъ ўлди авкоти шариф.

34

Ман зухду вараъдан урмазам лофи хилоф,
 Доим рухи сода истарам, бодаи соф.
 Тарки маю махбуб эда билман мутлак,
 Гар этмак ўлур дерам, зиҳи беҳуда лоф.

35

Эй новаки бедодинга ҳар сийна ҳадаф!
 В-эй жавҳари пайконинга ҳар дийда садаф!
 Фарёду фиғоним ғами ҳижронингдан,
 Базми ғамдур нолаи най, навҳаи даф!

36

Сарманзили ҳар мурода раҳбардур ишк,
 Кайфияти ҳар камола мазҳардур ишк,
 Ганжинаи коинота гавҳардур ишк,
 Ҳар содир ўлан нашъая масдардур⁴ ишк.

¹ Таъби зариф – латиф таъб, хуштаъб.

² Ножинс – ярамас, ёмон.

³ Мусохиб – сухбатдош, улфат.

⁴ Масдар – манба, вос.

37

Ушшоқа дагил қайди алойиқ лойиқ,
Ҳаргиз ғами рӯзгор чекмаз ошиқ.
Қайди ғами рӯзгор бир иллатдур,
Ул иллата ишқдур табиби ҳозик¹.

38

Мажнун ўда ёнди шуълаи оҳ ила пок,
Вомик суя ботди – ишқдан ўлди ҳалок.
Фарҳод ҳавас ила ела верди умрин,
Хок ўлдилар онлар, манам эмди ул хок.

39

Хуршидқи, қилди субҳидам арзи жамол,
Даргоҳинга юз сурмак ила бўлди камол.
Чун етди камола, этди сан моҳ ила баҳс,
Ул тарқи адаб верди камолина завол.

40

Маҳ дурди муқобил санга бўлдиқда камол,
Кўрдикӣ, ўзинда санча йўқ ҳусну жамол.
Бир ғоята етди инжилуб ғамданким,
Заъфи бадан ила бадр экан, ўлди ҳилол.

41

Эй уқдакушойи² ришгаи тадбирим!
Ҳар тоата афвинг сабаби тақсирим.
Тақсирима этма ўзга тақдири жазо,
Шармандалигим етар маним таъзирим.

¹ Табиби ҳозик – билимдон табиб.

² Уқдакушой – тугунларни ечувчи, мушкулларни ҳоя қилувчи.

42

Хамдам, кўр оқан сиришки олими маним,
Тутмиш рухи каҳрабо мисолими маним.
Биллох, ери ул гулруха арз айлая кўр
Бир ранг ила бу сурати ҳолими маним.

43

Афғондур ишим сарви хиромонинг учун,
Қондур жигарим ғунчаи хандонинг учун.
Ишқингда ғаму ғусса чекуб, пир ўлдим,
Ман пира тараҳҳум эт йигит жонинг учун.

44

Эй ғойиб ўлан дийдаи хунборимдан!
В-эй роҳат олан сийнаи афғоримдан!
Ман ворими-йўқ санинг-чун этдим, на раво,
Сан тутмаясан хабар йўқу воримдан.

45

Хуноба ғукуб дийдаи гирёнимдан,
Сансиз бўядим ер юзин ўз қонимдан.
Ўз қоними айларам ўзим-ла даъво
Қетмазса алим нўла гирибонимдан.

46

Қаддина дедимки, сарви бўстондур бу!
Тунд ўлдики: Эй хаста, на ҳадёндуру бу?
Побаставу¹ уру² безабондур дедигинг,
Хандону қабопўшу³ хиромондур бу!

¹ П о б а с т а – оёғи боғлик, гирифтор.

² У р – яланғоч.

³ Қ а б о п ў ш – қабо киювчи. Қ а б о – эркақларнинг олди очик узун ва кенг устки кийими.

47

Дедим лабина: – Лаъли Бадахшондур бу!
Кулди, деди: – Эй факир, бӯхтондур бу!
Бир тоша на ранг ила килурсан нисбат,
Ширину шакарфишону хандондур бу!

48

Ёндирди мани шавки жамолинг, эй моҳ!
Ҳар лаҳза ажаб дагил етирсам кӯка оҳ!
Зулфинг гиреҳи чикди алимдан ногоҳ,
Курким, на жафо этди манга баҳти сиёҳ.

49

Рухсора сари зулфи паришон айла!
Кӯздан гули рухсоринги пинҳон айла!
Бир неча паришонлари ўз ҳолина қўй,
Ҳар лаҳза етар қасди дилу жон айла!

50

Мужгоними, эй шамъ, гуҳарбор этма!
Пинҳон ғамими олама изҳор этма!
Ишк аҳлина зулмдур вафо айламамак,
Зинҳор бу зулми этма, зинҳор этма!

51

Рухсоринга айб этма нигоҳ этдигими,
 Куз ёши тукуб, нолаву оҳ этдигими.
 Эй подшахи ҳусн, тарахҳум чоғидур,
 Афв айлаки, билмишам гуноҳ этдигими.

52

Фарёдки, ишқ бекарор этди мани,
 Дарду ғам ила зору низор этди мани,
 Хоки сари кўйингда губор этди мани,
 Саргаштаву хору хоксор этди мани.

53

Курдим сани – алдан ихтиёрим кетди,
 Бокдим юзинга – сабру қарорим кетди.
 Хок ўлдиму ҳар ёнга ғуборим кетди,
 Алкисса, капунгда эътиборим кетди.

54

Рангим гули заъфарона¹ дунди сансиз,
 Каддим ҳам ўлуб, камона дунди сансиз,
 Курбонинг ўлам, агар ситамдур басдур,
 Паймонам алимда кона дунди сансиз.

¹ Заъфарон – сарғиш тус берувчи хушбўй усимлик; сарик ранг.

55

Эй меҳри рухинг қадиму олам ҳодис!
Изхори вужуда кашфи розинг боис!
Кечди сари кўйингда икки оламдан
Ли байна мақомийн мақомун солис¹.

56

Хайли ғаминг этди нақди сабрим торож,
Сабр ила муяссар ўлмади дарда илож.
Рухсорима тўкди мардуми чашмим кон,
Ҳиндуйи кўринг, лаъл верур Рума хирож.

57

То ҳалқаи зулфи ёра душдинг, эй дил!
Доми ғами рўзгора душдинг, эй дил!
Афсуски, кутб аҳли жамъият экан,
Ул доирадан канора душдинг, эй дил!

¹ Маъноси: Икки мақом орасида учинчи мақом йуқдир.



ҲИКМАТЛАР

Сабр йўқдир мардуми оламда варна¹ рўзгор
Қанғи² мушкилдирки, тадриж ила осон этмади.

* * *

Қиз ҳар неча ўлса ёра толиб,
Албатта, керак ҳаёси ғолиб.

* * *

Яхшимидир айламак ёмон од
Ким, килман кимса хайр ила ёд?

* * *

Кимсаки, ўзиндин ўла ғофил,
Бир ўзгани билмага на қобил.

* * *

Гар чўқ истарсан. Фузулий, иззатинг, оз эт сўзи
Ким, чўқ ўлмоқдан қилубдир чўқ азизи хор сўз.

* * *

Фузулий, даҳрдан ком олмоқ ўлмаз ўлмадан гирён,
Садаф сув олмайинча абри найсондин гуҳар вермаз.

* * *

Сабр айла, улки дард верубдир, даво верир.

* * *

Эй Фузулий, оламинг кўрдим каму неъматларин,
Ҳеч неъмат кўрмадим дийдори дилбартак лазиз.

¹ В а р н а — ва агар на.

² Қ а н ғ и — қайси.

Эй Фузулий, мехрина алданма чархинг, гардиши
Гука стурмиш вале хок ила яксон айламиш.

* * *

Фарзандсиз одами талафдир,
Бокий эдан одами халафдир.
Насл ила улур бакои инсон,
Назми башару низоми даврон.
Жон жавхарина бадалдир авлод,
Авлод куён, хамин од.

* * *

Кузгу киби котти юзлу улма!
Наргис киби хира кузлу улма!

* * *

Ғам душмани жони мубталодир,
Дафъ айлая курки, бир балодир.

* * *

Ҳар ким керак уз ишинда комил.

* * *

Муттасил хирмон килур хосил тамаъдан аҳли хирс.
Турфаким, ортар анга келдикча хирмондан тамаъ.

* * *

Чекма тахту тож қайдин, бесаруполик кузат
Ким, аёға банддур тахту балодур боша тож.

Аҳли дунёнинг ўлмаз охирати,
Гар буни истар эсанг, ондан кеч!

* * *

Эй Фузулий, шоми ғам анжомина йўқдур умид,
Бир тасаллидур санга ул сўзки дерлар, вор субх.

* * *

Камоли ҳусни машраб ори ўлмоқдур таарруздан,
Риё аҳлина ҳам чўк эътироз этмак риёдандур.

* * *

Жона жисмим ул хаданги ғамзадан ўлмаз паноҳ,
Ҳеч жавшан кимсани тийри қазодан сахламаз.

* * *

Фузулий, олами кайд ичрасан, дам урма ишқингдан,
Камоли жаҳл ила даъвойи ирфон айламак ўлмаз.

* * *

Хозини ганжинаи асрордур – ҳар дам чекар
Риштаи изҳора минг-минг гавҳари асрор сўз.

* * *

Бало зимнинда роҳат ўлдиғин изҳор этар ҳалқа,
Фалак беҳуда хори хушқдан гул барги тар вермаз.

* * *

Эй хуш ул мастки, билмаз ғами олам на эмиш,
На чекар олам учун ғам, на билур ғам на эмиш.

Умрлардур айларам аҳволи дунё имтихон,
Нақди умру ҳосили дунё ҳамон бир ёр эмиш.

* * *

Эй Фузулий, даҳр холин шохи гулдан кил қиёс
Ким, веруб аввал тажаммул, сўнгра урён айламиш.

* * *

Эй Фузулий, талаби рутбаи ирфон айла,
Жаҳл ила ҳосили авкоти шариф этма талаф.

* * *

Ҳар кудуратдан мани пок этди сели хуни дил,
Шукрилиллоҳ, оташи ишқинг мани ёндирди пок.

* * *

Завк истарсан, Фузулий, тарки дунё қилки, ман
Бўлмадим бир завк бундан ғайр то дунёдаям.

* * *

Деманг кўз ёши ила дафъ ўлур ишқ оташи тандан,
Бу ўд ҳар ера душса, фарк қилмаз қурудан ёшин.

* * *

Ғам ўғирлар ишқ бозоринда нақди умрими,
Қилмоқ ўлмаз суд савлода ёмон ўртоғ илан.

* * *

Сарварлик истар эсанг, афтодалиқ шиор эт
Ким, душмадан аёға, чиқмади боша бода.

Ишқ ўлдуғи ерда махфи ўлмаз,
Ишқ ичра ўлон қарор бўлмаз.
Ишқ оташина будур аломат
Ким, бош чека шуълаи маломат.

* * *

Мардумдан ўлам, дема қанора.

* * *

Тадбир ила ишқ завқ вермаз,
Тадбир диёри ишқа кирмаз.

* * *

Ишқ ила риё дагил мувофик,
Расво керак ҳамиша ошиқ.

* * *

Май гарчи сафо верар димоға,
Охдиғи учун душар оёға.

* * *

Покиза вужуда ҳайфдур ғам.

* * *

Ақл ўлди заифу ишқ ғолиб.

* * *

Доғ ила ўлур ҳамиша ошиқ.

* * *

Билмаз санмики қона қондур?

Ман билмаз эдим, бало эмиш ишк.

* * *

Жаҳд айлаю килма бир иша аҳд,
Вар аҳд айласанг, вафоя қил жаҳд.

* * *

На фоида сиккасиз дирамдан?
На суд натижасиз карамдан?

* * *

Занжири ҳаво қачон тутар банд.

* * *

Дунё иши эътиборсиздир,
Чархинг равиши қарорсиздир.
Чўх кимсана ганж учун чекар ранж,
Ғайрина анинг насиб улур ганж.

* * *

Бир расм қадимдур жаҳонда:
Суд истаян истамак зиёнда.

* * *

Ишк аҳли муҳаббат этса изҳор,
Аввал они имтиҳон эдар ёр.

* * *

Гул ғунчалигинда хор иландур.
Очилса, бир ўзга ёр иландур.
Аслинда тикан чекар азобин,
Фаслинда ҳаким олур гулобин.



«ФОРСИЙ ДЕВОН»ДАН

ҒАЗАЛЛАР

Моҳитобоним, қадинг сарви хиромоним менинг,
Сарвақаддим, ой юзинг шамъи шабистоним менинг.

Айлагай ҳолим ёмон ҳажрингу васлинг эса хуш,
Менга ҳажринг дарду васлинг эса дармоним менинг.

Дил асир қаддингга, жон лаълинг майининг мастидир,
Қоматинг дил орзуси, лаъли лабинг жоним менинг.

Дилбаримнинг комати бўлсин ёмон кўздан узок,
Бу гўзаллик боғи сарви қадди жононим менинг.

Дедим: Эй хусн аҳли шоҳи, дил бало домидадир,
Бу бало доми, – деди, – асли занаҳдоним менинг.

Зор дилимнинг рози фош бўлди жаҳонга, боиси
Шашкатор ёшим билан чоки гирибоним менинг.

Олди оромин Фузулийнинг ўшал сарви равон,
Гарчи ороми дили зору паришоним менинг.

Наврӯз туни васлингда муяссар эди-ей,
Васлингда туним кунга баробар эди-ей.

Хар тун куласан тонггача шам бирла, куйиш
Парвона билан менга муқаррар эди-ей.

Рашк ўти ёқар удни қувончимни қўриб,
Димоғ хуш исинг ила муаттар эди-ей.

Зулфинг тугунини ечишимнинг боиси,
Хушбўю ҳаво, ср-чи, муанбар эди-ей.

Кулбамни ёритган ўша шамнинг ёруғи
Чехранг нуридан асли мунаввар эди-ей.

Васлинг қалами билан қувончим уйига
Орзу-тилагим накши мусаввар¹ эди-ей.

Базм айлар эдим кеча чаманда Фузулий,
Хамроҳим ўшал сарви суманбар эди-ей.

¹ Мусаввар – чизилган, накш этилган.

Агар ёр истасанг, эй дил, бу жондан кеч,
Бу барча борлиги бирлан жаҳондан кеч.

Фароғат истасанг оламда бир лаҳза,
Жаҳондан ҳам, яна аҳли жаҳондан кеч.

Бу кадди ҳам фалакка берма дил асло,
Бўлиб сен ўк мисоли бу камондан кеч.

Талаб эт ёрни, булса не бу йўлда ғов,
Баридан юз ўгир, ному нишондан кеч.

Керак бунда тилинг ҳам бир, дилинг ҳам бир,
Сени шарманда қилгувчи забондан кеч.

Фузулийдан эшит сен бу насиҳатни:
Ҳақиқат йўлини ушла, гумондан кеч.

Дил асири лаъли ул гулбарги хандондир яна,
Дил сабаб булбул каби иш оҳу афғондир яна.

Гул либосин чок этиб, булбул чекар фарёду зор,
Гунчадек ёрим чаман ичра хиромондир яна.

Боғлади дард аҳлининг зулфиға жонон юз тугун,
Юз тугундан юз тугун жонда намоёндир яна.

Айламиш холи хижобдан сени ҳолим ҳайрати,
Бекиёс ҳуснингга олам кўзи хайрондир яна.

Бўлди кўзимдан ниҳон ширин лабингнинг ҳуккаси,
Бунга боис шубҳасиз найранги даврондир яна.

Эй Фузулий, утмасин умри азиз айлаб хато,
Афв умиди сен учун гарчи бир имкондир яна.

Юз угиргай мендан у гар мохитобон десамам,
Тарк этар мени агар сарви хиромон десамам.

Сен менинг жоним десам ҳам, ичгай у дил қонини,
Булгай у кўздан ниҳон, гарчи уни жон десамам.

Бу қадар ҳуснин кўриб, рашк айлагай ҳатто малак,
Мен ишонмайман ўзим, ҳарчандки инсон десамам.

Қошида холимни арз этган у дамлар хуш, агар
Мен паришонлик билан дардим паришон десамам.

Куфр атар бутларга сажда айламокни бу факих,
Бу мусулмонлик эмас, гарчи мусулмон десамам.

Холи тун йўқ ер юзида юзи нуридан сира,
Кам юзини шу сабаб шамъи шабистон десамам.

Эй Фузулий, менга зулми тиғи эҳсондир, бироқ,
Қўрқаман ушбу балодан гарчи эҳсон десамам.

Ул гўзал юздан жудо айлар мудом даврон мени,
Ўчирар учкун каби албатта бу ҳижрон мени.

Қонли ёш тўхтатса кошки борлиғим гардини сал,
Оҳларим тўфони қилгай мунча саргардон мени.

Бўлмаса жонимда лаълинг шавқининг гар жавҳари,
Сир тутиш элдан уни қийнармиди чандон мени.

Бир парирухсора ишқидан дилимда тўла ғам,
Қилғуси бир куни расво бу ғами пинҳон мени?

Хоҳлаганча қийнади-ю, ўзидан қилди узок
Ўқ каби қоши камонидан ўшал жонон мени.

Не ажаб, қилса рақиб ғийбат гўзаллар олдида,
Бас, вафо йўлида ҳусн аҳли билар чандон мени.

Эй Фузулий, дарди ишқим бир замон пинҳон эди,
Қилди эл олдида расво дийдан гирён мени.

Қоматингга тушди-ю кўзим, бало кўрдим сени,
Ақлим олдинг, билмадим, қайда, аё, кўрдим сени?

Ёшлигимда ҳам жафо сендан кўрардим оз-моз,
Оҳ, йигитликда биров кони жафо кўрдим сени.

Бевафоликни сенга, ёр, ҳеч ким ўргатган эмас,
Чунки мен асли азалдан бевафо кўрдим сени.

Ўтмасайдим кошки сенинг эшигингдан мен сира,
Кеча бегона билан чин ошно кўрдим сени.

Зулфи домига бўлибсан тутқун, эй золим кўнгил,
Минг шукурким, бир балога мубтало кўрдим сени.

Эй ракиб, сени кўришдан бўлмаганман шод сира,
Шодман энди – бир нафас ёрдан жудо кўрдим сени.

Бўлмасанг ошиқ, нега кўзида ёши шашкатор,
Ёр кўйида, эй Фузулий, доимо кўрдим сени.

Расми зухду одати тақвони билмасмиз биз,
Севгидан ўзга бирор савдони билмасмиз биз.

Бу жаҳонда бизда йўқдир ҳеч бир ишга эҳтиёж,
Бас, тириклик кўйида ғавғони билмасмиз биз.

Биз демасмиз бу жаҳонда йўқ севишдан бошқа иш,
Балки бор, аммо бу муаммони билмасмиз биз.

Эътибор расмию тақлид одати йўқ бизда ҳеч,
Аҳли дунёнинг бу ишлар жони, билмасмиз биз.

Ҳақ сирининг мазҳари, ойнаи жаҳоннамо,
Ёру майдан бошқа бир дунёни билмасмиз биз.

Дедим: «Эй хур, ўлди кўйингда Фузулий». Деди у:
«Ким ўзи у? Бу каби шайдони билмасмиз биз».

Сўрмайди менинг холим бу элда бирор киши,
Мен киши эмасманки, килса эътибор киши.

Сабр этгани туфайли Юсуфга етар Яъқуб,
Ўз тақдиридан нега айлар гина, зор киши?

Умринг билан агар тенг бўлса-да фироқ асли,
Нима учун висолдан бўлмас умидвор киши.

Сабри булутидан сув муштоқлик гулзорига
Ёғдирса, мурод гулин тергай харидор киши.

Меҳру муҳаббат нурын оҳанрабоси бордир,
Гўзаллар сари борар, бас, беихтиёр киши.

Шафқат сира қилмайсан, ғафлатдасан, оҳ, мунча,
Берса-да сен учун жон неча-неча бор киши.

Фузудий, бировдан завқ оҳангин эшитмадим,
Оламда май ичишга йўқми талабгор киши.

Кирди гул боққа, бироқ ўз умридан ком топмади,
Ўз тиконидан ўзи бир лаҳза ором топмади.

Қилди гул қошида булбул дардини изҳор, бироқ,
Ўтди гул даврию ҳеч дил дарди анжом топмади.

Воҳ, бу не мулк, ўтса ҳам гул даври, ундан ҳеч киши
Кўрмади базм авжинию нашъаи жом топмади.

Тикса-да даврон латофатнинг либосини, не наф,
Бу либосни кийгали лойиқ гуландом топмади.

Келса-да гул боққа кеч, эрта уни тарк айлади,
Мен каби балки у ҳам эъзозу икром топмади.

Эй Фузулий, қолмади сўз аҳли қадру киммати,
Шу сабабдан ҳеч киши бу ўлкада ном топмади.

Деманг, ёлғиз менинг қаддим муҳаббат юкидан ҳамдир,
Фалакнинг қаддини ҳам айлаган ҳам асли шу ғамдир.

Хабар топмас дилимиз завқидан асло бу ғофиллар,
Ғаму ғусса ниҳоний завқ уйининг соқчиси ҳамдир.

Этай десанг яқинликка, бало йўлига оёқ қўй,
Сафар ранжи, зиёрат айласанг Каъбани, байрамдир.

Ўтар умринг, сира завқу сурурдан колма бебаҳра,
Ғанимат тут, бало идрокининг лаззати бир дамдир.

Жунун саҳросини сайр эт агар ғам тўйдирар жондан,
Биёбонларда ғам айёми кўп бўлмас сира, камдир.

Меҳр ғунчаси кўз очгай жафо тиконидан дилда,
Муҳаббат гулшани жабру ситам гули-ла кўркамдир.

Тўла дарду аламдан бу вужуд доираси мулки,
Фузулий, роҳату ором топиш дунёда мубҳамдир.

Жаҳаннамдан берар ринд аҳлига доим хабар воиз,
Наҳотки, кўрмаган бўлса бўлак жойни магар воиз?

Бу ғамдан ёқасини чок этар меҳроб масжидда,
Тўкар деб минбар обрўсини ҳар дам ҳийлагар воиз.

Берар Қуръонга ҳам тағйир муҳолиф тафсири бирлан,
Санар ўзини доно, кўрсатиб шу хил хунар воиз.

Урар Қуръон ўқиш коидасидан дам ўшал ҳар дам,
Кўнгиллар уйини вайрон қилиб доим яшар воиз.

Санамнинг кўйидан алдаб мени чорлайди жаннатга,
Илоҳо, бўлсин ҳар икки жаҳонда дарбадар воиз!

Мақомини бериб бой, мавкеидан ажрамас эрди,
Агар май манъида сўз демасайди муътабар воиз.

Фузулий истамас воиз сўзин, дард аҳлини чунки
Санамлар севгисидан бу жаҳонда манъ этар воиз.

Дил орзуси ушалмай ёр кўйдан ғам билан кетдим,
Алам доғида лоладек қилиб тарки чаман кетдим.

Яшаб ўтдик мисоли гул билан тикан каби бирга,
Фалак гардиши терс айланди-ю, у колди, ман кетдим.

Нигори нозаниним бор эди, айлаб фалак фитна,
Шириндек колди-ю у, мен мисоли Кўҳкан кетдим.

Мисоли анжуманда шам куярман тун бўйи доим,
Юзи офтоби нур сочганда ташлаб анжуман кетдим.

Ўтиб кетгач ўқи ёнимдан ўлдирмай мени, ночор
Санамнинг кўйдан ранжида дил, озурда тан кетдим.

Агар шавқи майидан маст эдим, билмайсан, эй ғофил,
Бу шодлик базмини ташлаб мен ўз эрким билан кетдим.

Фузулий, излама дардимга дармон кўйдан, чунки
Ўлай дебмас, топай деб хуш ҳаёт излаб ватан кетдим.

Кўзимнинг ёши ёр хажрида, эй шам, шашқатор бу тун,
Келиб ёнимда ўлтир, айлашайлик оху зор бу тун.

Тиларман бош-оёқ куйсам юзининг шамъи ёдида,
Эй ашк, учиргали ўтимни сен қилма шиор бу тун.

Менинг қатлимга эрта айладинг аҳд, аммо кўрқарман,
Ўларман оттиролма тонг, бўлиб мен интизор бу тун.

Худо ҳақки, халойиқдан ниҳон кўйига боргим бор,
Мени фош этмагил, эй нолаи беихтиёр, бу тун.

Кўзимнинг ёшларидан мен жавоҳир хирмонин уйдим,
Билолмайман, агар ёр келса не айлай нисор бу тун?

Ўғирлаб кетдилар уйқу матосин кўзларимдан, оҳ,
Балолар келдими қилмоққа мени тору мор бу тун.

Қарор топган эди сенинг кўйингда Фузулий тунлар,
Кўйингда қувдинг, энди қайда олгай у қарор бу тун?

Менда душман дилни ўртаб дарди жонона куяр,
Менда ошно жабридан бу дили бегона куяр.

Тилга келтирса агар парвона дилдан ўтини,
Ўртагай парвона ўти шамни – бирёна куяр.

Ўтаро, эй шам, агар фонус куяр бўлса чунон,
Мендаги дил ўтининг учкунидан хона куяр.

Ўтли оҳидан дилимнинг бўлма, эй жон, беҳабар,
Эҳтиёт айла ўзинг бу тун бу вайрона куяр.

Кўзларимнинг ёшини кўнглим ўти маҳв айлагай,
Ох бу умрим хирмонидан, донаю дона куяр.

Даврада афсонаи шавкинг эшитган кечалар
Шам каби ҳар кеча менда шавқи афсона куяр.

Эй Фузулий, тунлар девона дил топмай ҳабиб,
Ўртаниб ўз ўтига бу дили девона куяр.

Тиларман мен сари ушал пари элдан ниҳон келгай,
Назар нури мабодо тушса унга гар, аён келгай.

Етар, куйдирма кўксим устухонин, дил ўти, бир-бир,
Мабодо устухонга ўқ отиб, қоши камон келгай.

Етар осмонга юз дил охи ҳар дам, ҳар бири ундан
Балога айланиб, ўрташ учун жонни равон келгай.

Агар ҳайрат мени тарк этмаса, маҳрум буларман, бас,
Кўнгил ё тилга васли ўзидан бериб нишон келгай.

Рақиб таъкибидан холи эмасман дил ўти боис,
Бири юз минг ўқидан зора бу кўксим томон келгай.

Ўлимни бўйнига олди-ю кўнглим, келди кўйинга,
Ғамингдан кечди жонидан, агарчи унга жон келгай.

Висоли муждасига, эй Фузулий, жонни этдинг бахш,
Нетарсан ногаҳон энди агар сарви равон келгай?

Гар фалак ғам тигидан кўксим менинг чок айласа,
Дил ўти, тонг йўк, фалакнинг бағрини доғ айласа.

Кўзга сурса арзигаЙ йўлнинг губорини ўпиб,
Қайда ёрнинг соясин бағрига жо хок айласа.

Дилни пок эт турфа зангларданки, бу ишк одати:
Ташриф этгаЙ ким губорлардан дилин пок айласа.

Мен лабинг шавқини жону дилга пинҳон айладим,
Не бўлар бағрига пинҳон ўтни хошок айласа?

Мен ғамингда йиғласам, таскин насиҳатгўй берар,
Борми фойда ёшли кўз устига гар хок айласа?

АсрагаЙ қандай Фузулий шишаи дилни омон,
Шўх санам тинмай отиб тош, жабру кийноқ айласа.

Тушсам эди изингга соя каби, суманбар,
Қайда сенинг оёғинг, шу ерда бошим – ахтар.

Йўқ сен каби ёр менга, менинг каби ёр сенга,
Мен ошиғи балокаш, сен дилбари ситамгар.

Юзинг гулини кўрдим, жабрингга кўнгил бердим,
Билдимки, висол менга тутқизмагуси ҳеч бар.

Мен йиғлоки булутман, сен эса янги ғунча,
Менга йиғи муносиб, сенга кулгу ярашар.

Қўлингга қилич бордир, жон суви дудоғингда,
Қатл айла ё васлингга етказ мени, дилобар.

Топилмас эди танда дилдан сира нишона,
Ризқ унга кўнгил қони бўлган қуни муқаррар.

Ўтди, Фузулий, умрим, беҳуда бу жаҳонда,
На эпладим бир ишни, қом бўлди на муяссар.

Мени шунча заиф қилдики хижронинг, парирухсор,
Чидолмайман бошимга тушса ҳатто сояи девор.

Хабар топса агар пинҳон сиримдан ҳар киши, мендек
Унинг ҳам кўксига солгуси доғ бир лоларухсор ёр.

Мену васлинг – бу давлатни қилолмайман тасаввур ҳам,
Етар менга узоқдан ҳам муяссар бўлса ул дийдор.

Фиғону нола айлашда чиқардим шунчалик шухрат,
Тутар номимни дард аҳли қаерда чекса оху зор.

Кувончим шундаки, жабр этмадинг мендан бўлакка ҳеч,
Жаҳонда истамассан мендан ўзга телбани зинҳор.

Вафо йўлида борми, эй Фузулий, мендай оламда
Паришонхотиру савдоию расвои бир бозор.

Не гуноҳ қилдим – узоклатди ўзидан мени ёр,
Муътабар эдим агарчи, энди йўқдир эътибор.

Ёр кўйидан айрилиб, ҳайронман ўз холимга-ей,
Тушдим у элдан узок, ғурбатда бўлдим хору зор.

Лутф этиб йўл солмагай гулюзлилар ҳеч мен сари,
Билсалар-да бир факир бечорадирман, хоксор.

Ўлдим билмайман, аммо, бу нима аҳвол, магар
Олам ахлидан жудо, бир четда тутдимми қарор?

Тушди жоним риштаси қайғу тугунидан узок,
Солди савдосини то бошимга ул зулфи нигор.

Минг мусибатга чидолмай чикса жоним, не қилай?
Бу фалакнинг домига мен нотавон бўлдим шикор.

Булбули Аршман, Фузулий, манзилим гулзори қудс,
Мен бу кулфат уйига тушганман-ей беихтиёр.

Мен кетарман бу шаҳардан меҳринг олиб, ёри жон,
Кутарар ғам тоғини бўлса-да тан мисли сомон.

Шу қадар ақлу ҳушимдан мен жудоман ишк аро,
Чунки кўйингдан сафар девоналикдандир нишон.

Ноладан, бормай қаерга мен, маломатдир йўлим,
Ошиғи шайдолигимга бу гувоҳдир бегумон.

Келтирай қандай тилимга, эй санам, номингни мен,
Файз оларман ҳар қарашда изларингдан мен чунон.

Гар висолинг шавкини олса дилимдан, не ажаб,
Рашк ҳиссиким, ракиблардан этарман ҳар замон.

Эй Фузулий, манзилим майхона бўлса, не ажаб,
Не қилай, жон хавфидан майхонани тутсам макон?

Оху зоримдан хабарсиз сарвинозим, не қилай?
Бўлмаса оламда бир маҳрами розим, не қилай?

Мен чекарман нолалар, ёр зулфига солгай тугун,
Қисқариб борса узун умрим асоси, не қилай?

Телбалик бандидан озод бўлдиму зулфинг кўриб,
Қайта бўлдим тутқун, энди йўқ халосим, не қилай?

Йиғламай, куймай, эримай борми имкон то саҳар,
Бўлса ҳижрон тунида шамга қиёсим, не қилай?

Мен-ку бағритош санамларга кўнгил бермасман-ей,
Банд этар кўнглимни минг ишваю нози, не қилай?

Кимга айтай мен ғариб ҳусн аҳлининг дарду ғамин,
Бўлмаса соямдан ўзга ҳамрозим, не қилай?

Ман этарсан ўйнама ишк деб Фузулийни мудом,
Ишқдан ажратма мени – шу илтимосим, не қилай?

Бу диёрда олмади кўнглим менинг ҳеч бир нигор,
Бу диёрга, бас, мени боғловчи ришта йўқ бирор.

Кўрмади ул ой эшиги итлари ўрнида ҳам,
Кетганим соз – бу шаҳарда топмадим бир эътибор.

Ғурбат ичра гам эмиш душман хужуми хавфи ҳам,
Бу диёрда, шу қувончим, йўқ бирор-бир дўсту ёр.

Шавқ ипи тортар мени аслий маконга ҳар нафас,
Қайғу манзилида аммо менда йўқ сабру қарор.

Мен надими қудс боғининг, булбуллар каби
Мени жалб этмас ўзига ҳеч бу боғу бу баҳор.

Ихтиёримни олибди қўлларимдан ул санам,
Бошқа бир ёр танламоққа менда йўқдир ихтиёр.

Эй Фузулий, фақр файзидан зиёд бахт йўқ менга,
Йўқ замон аҳли билан дўсту яқинлик зинҳор.

Сабза хаттингсиз менга ҳар ерда манзил бор эди,
Сабзадек то тонггача ёшдан вужуд ҳул бор эди.

Кеча ҳамрозим шам эрди, поклиги боис кўнгил,
Бўлса кўнглимда нима, шам тилида ул бор эди.

Мен камолот бобида юксалдим ойдек сарбаланд,
Нега юксалмайки, офтобим муқобил бор эди.

Бу менинг ҳолимга юз Фарҳод килар эрди ҳасад,
То назарда нақши ул шириншамойил бор эди.

Ақл ҳукми мен каби девонага ташвиш эмас,
Телбалик занжири буйнимда – ҳисор шул бор эди.

Офарин, май кмаси, кетдинг олиб қайғу-ғамим,
Йўкса қайдан ҳам менга уммиди соҳил бор эди.

Эй Фузулий, дину дилдан бенасиб бўлсам, не тонг,
Олди-кетди ишқ қўлимдан канча ҳосил бор эди...

Оху зоримга мурувват ёр қилмас, не қилай?
Ёр парвои сира мен зор қилмас, не қилай?

Қилмасам-да гарчи ошкор, сенга маълум ғамларим,
Сен-ла ҳеч ким қудрати гуфтор қилмас, не қилай?

Дил ракибнинг таънасидан келса-да жонга, бу ёр
Бехабардир, билса ҳам иқрор қилмас, не қилай?

Кўзларим ёш ўрнига қонлар тўкар қайғусида,
Қонли кўз қайғусин у зинҳор қилмас, на қилай?

Ишк ишида сабру токатдан ўтар бир чора йўқ,
Сабрни ошк кўнгил ҳамкор қилмас, не қилай?

Ҳеч насиб бўлғайми ёр васли ракиб озорисиз,
Гулни олам боғида бехор қилмас, не қилай?

Эй Фузулий, ёрга дил дардини этмай қанча шарҳ,
Ёр сира ёди мени афгор қилмас, не қилай?

Бирор кун кўрмасам кошда хабибни,
Кўриб шавқ ичра, ёнгайман, рақибни.

Тикандан сўз очарлар гул қошида,
Килар ҳушдан жудо рашқ андалибни.

Биларман, севги дарди бедаводир,
Нима наф қийнамоқликдан табибни?

Умид йўқ васлидан ёрнинг агарчи,
Чидамдан ҳам, нетай, топмам насибни.

Дедим: «Дил куч олар олма ияқдан».
«Шу олма фойдаси», – деди ийибми?

Илоҳий файз эмиш васлида линҳон,
Висолдан маҳрум этма бенасибни!

Фузулий, кўйидан йўқ ўзга мақсад,
Ватан тупроғи шод этгай ғарибни.

Тушимга кирди-ю ёр тунда, кўздан олди хобимни,
Сабаб шу бўлди бедорлигига кўзи селобимни.

Денгиз тўлқинланар баттар агар кучли шамол эсса,
Насихат ҳам кучайтиргай кўнгилда изтиробимни.

Кўриб хурни, равон бўлди кўзимдан қонли ёш ҳар ён,
Фалак ғам базмида тошга урар жоми шаробимни.

Кўнгилни пора-пора қилди шавқи шамшири буткул,
Киши очмай қаёқдан мазмунин билгай китобимни?

Гўзаллардан шикоят айламоқни истамайман ҳеч,
Қанийди сўрмаса ҳеч бир киши ҳоли харобимни.

Заифликдан бўлибман қилдаю заъфим яна ошгай,
Фалак айлантирар ҳар лаҳза баттар печу тобимни.

Фузулий, йўқ вафо имкони олам аҳлида ҳеч ҳам,
Беҳуда билманг олам аҳлидан бу ижтинобимни.

Зулфингга солдинг тугун қилмок учун жафони,
Кутардинг ер юзидан сен одати вафони.

Кипригинг атрофида бўлган эдик барча жам,
Кўз юмиб очдингу ажратдинг бари шайдони.

Сенда вафо расмини кўрган эмас ҳеч киши,
Сен кимдан ургандинг бу расм-одати жафони?

Чекдим ҳиммат кўлини бу чарх доирасидан,
Ҳар кимнинг миннати чекиш менга равоми?

Кўп бўлди кўйингда мен тупрокка айландим-ей,
Кел, оёғингни ўпай сен каби дилрабони.

Ҳар дам фалақдан менга етгусидир бир бало,
Қушларга ҳам комати дом бўлди мубталони.

Ул ҳур дилу динига қасд этса Фузулийнинг,
Қўй, айлама ман унга не қилса бу расвони.

Гар мен улгандан кейин бўлса кўйинг маскан менга,
Тор лаҳад гўёки бўлгай бир гўзал гулшан менга.

Олишиб ғам ичра ўз-ўзим билан умрим утар,
Бир дам ўзни унутай, тут, сокиё, майдан менга.

Кўйида расво бўлишим истагай ёр, чора йўк,
Бўламан расво, не бўшти таънаи душман менга?

Устухонлар дил ўтидан нега кул бўлмас куйиб,
Ёки фонусдек темирданми улар чиндан менга?

Мақсадим маъно, эмас сурат Юсуф юзлидан-ей,
Дийда кўйлақдан эмас Яъқубдек равшан менга.

Қилмайин парво куларлар эл хазон озоридан,
Ўртагай боғ гуллари гўё бўлиб гулхан менга.

Чикди жон тандан, Фузулий, бўлди йўл тупроғи тан,
Бўлди ишки офати жону балои тан менга.

Дунёга келиб, ҳамдами ғам эдик биз,
Бу ғамга мулозим ҳама дам эдик биз.

Ғам мендану мен ғамдан эмасмиз жудо,
Ҳар қайда эканмиз, баҳам эдик биз.

Лаълинг ғамидан келмай оламга умрлар,
Ҳамрози олами адам эдик биз.

Қошинг камонига асир бўлиб дил,
Нишона ситам ўқиға ҳам эдик биз.

Кам бўлмади бир лаҳза балойинг биздан,
Бир лаҳза бало бўлмаса, кам эдик биз.

Ҳар ерга йўл излаб қадамни қўйдик,
Гўёки ҳақир хоки қадам эдик биз.

Дил хоҳишича ҳеч яшамай, Фузулий,
Ҳар лаҳза гирифтори алам эдик биз.

Шам каби куйдирди ғам оташи танимни менинг,
Пора-пора қилди ғам дили равшанимни менинг.

Куйди менда, бок, ракибнинг кўнгли ишқинг ғамида,
Шод дилим, куйдирди қайғу душманнимни менинг.

Мохликолардан ўзимни четга тортиш бўлди фарз,
Чунки бичган эдилар улмай кафанимни менинг.

Лолаюзлар доғида ўлдим, қани, йиғлаб булут
Лолазор қилса гўр узра ўт-ўланнимни менинг.

Мен сари ташриф буюрмас якка-ёлғизлик сира,
То макон айлабди қайғу масканимни менинг.

Бу жаҳонда йўқ менинг ҳар нарсага боғлиқлигим,
Тутмамиш ғам тикани асло доманимни менинг.

Қолмади ғамдан, Фузулий, ҳеч қаён қочмоққа йўл,
Айрилиқ тўфони тутди ҳар томонимни менинг.

Қўй, ёзма сочинг елга бериб мушк нишонни,
Тан ғалтагидан очма сира риштаи жонни.

Кўнглимда нихон сирингу фош айламасин деб,
Кўрқарман-ей ёшли кўзим рози нихонни.

Ҳар кимсага кўрсатма юзинг, бошлама фитна,
Издан чиқара кўрма бу тартиби жаҳонни.

Хусн аҳлига ошиқлигимиз айбу гуноҳми?
Шайдо бу кўнгил жонга солар минг ғалаённи.

Қон бўлсаю ишкида, кани, чиқса бу жоним,
Мунча чекаман дарду ғамин қоши камонни.

Эй бахт, санам эшигига элтиб мени ташла,
То кетмай олиб гўрга ғамин оромижонни.

Ёшингни равон эт хати ёдида, Фузулий,
Ёш майсадан ҳеч тутма дариг оби равонни.

Менинг холи зоримга ул ойнинг нигоҳи йўк,
Кундан нима наф менга дилимнинг гар моҳи йўк.

Сендан жафо муродим, эмас вафо сира ҳам,
Гоҳ-гоҳи агар бор у, агар гоҳи-гоҳи йўк.

Майхонадан қандай мен масжид сари борайин,
Эзгуликка севги кўйининг сира роҳи йўк.

Дунё амалу давлатидан кўлни ювибман,
Бечоралигидан ўзга дилнинг паноҳи йўк.

Шу эзгу рақам дунё китоби варағида,
Гузаллигига бу суратнинг иштибоҳи йўк.

Эй хусн гулистони ниҳоли, не ниҳолсан,
Сендан мева ғайри фиғону нола, охе йўк.

Кимнинг қошида зулмдан дод десин, Фузулий,
Бу элнинг ўзингдан ўзга бир подшоҳи йўк.

Балою кулфати кўплигини ул ёр билгайдир,
Бирок кам айлагай изҳор у гар бисёр билгайдир.

Дема: «Дил дардининг дилдорга не боғликлиги бордир?»
Бу бир сирдирки, дил билгай, яна дилдор билгайдир.

Худога минг шукурким, ишқ аро ундан вафо кўрдим,
Мен ошиқ бўлган ул ёр кадру эътибор билгайдир.

Кўнгилда канча ишқинг – шунча лутф айлар эмиш ул шўх,
Унинг бу таъбиға қойилман-ей, миқдор билгайдир.

Рақиб ёр олдида ёмонласа бизни емасмиз ғам,
Рақибдан кўра бизни яхшироқ ул ёр билгайдир.

Сочи савдосини оламда мандан ўзгадан сўрманг,
Узун тун дарду ранжини фақат бемор билгайдир.

Фузулий, дил сирини тилга келтирмоққа йўқ ҳожат,
Жароҳатли дилим аҳволини дилдор билгайдир.

Ишқ аро қисмат бўлиб ғайри ғами ёр қолмади,
Эй ақл, тарк эт мени, иш сенга зинҳор қолмади.

Кўзларимнинг ёшида киприкларим кетди оқиб,
Нозанинларнинг хаёли йўлида хор қилмади.

Қисмат этди беқарорликни ғами ишқ аҳлига,
Зор дилимдан ўзга ошиғу гирифтор қолмади.

Шунчалик жисмим заиф – йиқди оёқдан ёш сели,
Бу жаҳонда суянишга битта девор қолмади.

Сухбатим дилгирлигидан барча кетди тарк этиб,
Ёр бўлиб ғам ичра ғайри нолаю зор қолмади.

Бу жаҳон бозорида кимга матойим кўрсатай?
Гавҳари асрори маънога харидор қолмади.

Эй Фузулий, бўлди умрим қайғу давронида сарф,
Бу замон дардини айтишмоққа ғамхор қолмади.



ҚИТЪАЛАР

1

Дедим: «Эй чарх, билмас хеч хадду адоғ
 Сен кўнглимга солган бу доғлар, ёху!»
 «Мен сенинг кўнглингга солган бўлсам доғ,
 Менинг кўнглимга ким доғ солган?» – дер у».

2

Икки киши билан мураса кийин,
 Агар аклинг бўлса, унутма зинхор:
 Бири уки, сени хушламас сира,
 Ўзингдан ҳам, сўзингдан ҳам у безор.
 Иккинчиси шуки, сенинг кўргинг йўк,
 Кўришиб турасан ва лекин ночор.

3

Ёмон ёмон деса, ранжимоқ нечун,
 Яхши деб топганман чунки эътибор.
 Мени яхши дея билганлар учун
 Ёмонлар сўзининг не киммати бор?!

4

Шафқат айламаса агар менга шоҳ,
 Бу ҳам бир лутфидир, нолимас кўнгил.
 Демак, у билади, ҳолимдан огоҳ,
 Фақр юки туяси юкидан енгил.

5

Икки гурухдир аҳли олам:
 Бири – илм аҳли, бири – жоҳил.

Жоҳиллар англамайди шеърни,
 Маърифатдан бу кавм ғофил.
 Шеър айтиш олам аҳлича айб,
 Ношаръию беҳуда, ботил.

Дунёдаги ғам дастидан дод,
Амрим оғир, ишим-да мушкул.

Умрим бир ишга айладим сарф:
Ҳеч ким эмас бу ишга мойил.

6

Жонбахш, латиф, оҳорли шеърлар
Бизнинг юртда топмас эътибор.
Шеърим латиф, аммо не фойда,
Сафсата дер бу аҳли диёр.

7

Бу диёр аҳлида менга нисбатан
Зарра инояту хасча шафкат йўқ.
Ё уларда маърифат йўқ умуман,
Ёки менда сира қобилият йўқ.

8

Сўзим тутди оламини, ганим
Ёмонликдан айру кўрмайди.

Назмимда не фазилат бўлса,
Дўст кўрар, аммо у кўрмайди.

Ғанимнинг кўзи кўр, шубҳасиз,
Унинг кўзи яхши кўрмайди.

9

Аввали умримки, айни вақти завку шавк эди,
Илм-амалдан айру, ўтди жажлу нодонлик билан.

Ғам гирифтор қилди ёшлик гарк этиб кетгач мени,
Фоний олам ўйида умр ўтди хайронлик билан.

Тоату хайру савоб ўрнига умрим охири
Ўтди афсусу надоматда пушаймонлик билан.

Ох, бу умримда сира ҳам кўрмадим завку сафо,
Ўтди ирфон завқидан маҳрум паришонлик билан.

10

Тонг чоғи чаман сайрини дил қилди ҳавас,
Гул, сабза даф этсин то малолимни менинг.

Сабза юзига қўйсам оёк, дер ноз ила:
Билмасмидинг, ғафлатзада, ҳолимни менинг?

Сендек неча минг-минг киши остимда ётар,
Камситма кўриб холи маҳолимни менинг.

11

Шоиро, ўз шеърларингдан бўлмагил ғофил сира,
Яхши фарзанд бўлмагай бундан-да минбаъд сенга.

Бўлса шеърингда хато, ислоҳ қилиш мумкин уни,
Панд-ўғитдан бурмагай юз, айлагай хизмат сенга.

Нораво фарзанд мисоли ҳар замон келтирмагай
Ҳар баҳона, ҳар сабаб бирлан ғаму захмат сенга.

Парча қоғознинг ўзи унга либосдир бебаҳо,
Йўқ ғами шоҳи-ипак, ташвиши зеб-зийнат сенга.

Еб-ичар бўлса кифоят бир сиёҳдоннинг ўзи,
Йўқ ғами суту шакар, анвойи ҳар неъмат сенга.

Ҳар қасрга бўлса боргай бематою бемалол,
Бора-бора келтирар оламаро шуҳрат сенга.

12

Эй дил, узлат гўшасининг малоли минг бор
Ўтиргандан ҳар бир таниш билан кўп аъло.

Бой ахлидан бўлар, ёки фақир қавмидан,
Ҳамдам бўлса кишига гар ҳар ёру ошно.

Мол-давлати кўп бўлган ҳар киши дунёда,
Ҳашамату бойлигидан сўзлар ҳар асно.

Иши ҳасрат вафоси йўқ тубан дунёдан,
Агарда у фақирликка бўлса мубтало.

Холи киши борми бу икки можародан,
Қилар зое умрингни бу икки можаро.

13

Наслу насаб улуғлиги сендан ташқари,
Сен фазлингдан ўзгасидан ифтихор қилма.

Беҳуда шоҳ суҳбатю вазир хизмати,
Кўй, ишонма уларгаю эътибор қилма.
Дўст суҳбати зарур бўлган ҳар битта ишга
Кўнгил бериб, ўзингни кўп умидвор қилма.

Молю давлат омонату беҳуда, билсанг,
Унга умид асосини устувор қилма.

Агар боқий фазлу камол бўлса максдинг,
Илмга интил, илм олишдан сира ор қилма.

14

Олам аҳли қошида, сўздан дастурхон ёздим
Анвойи неъматлардан ранг-баранг завк мужассам.

Мен хижолат бўлмайман келса ҳар қандай меҳмон,
Хоҳи турк, хоҳи араб, хоҳ ажамлик бўлса ҳам.

Ҳар киши бўлса кел денг, ҳар нимаки бўлса ол,
Чунки бу боқий неъмат олган билан бўлмас кам.



РУБОИЙЛАР

1

Ҳижрон ғамидан дил то паришон бўлмас,
 У лойиғи завқи васли жонон бўлмас.
 Дунёда машаккатсиз бир роҳат йўқ,
 Шарти шу: у бўлмаса, бу ҳеч он бўлмас.

2

Ҳусн ахлидан аҳдига вафо кўрмадим-ей,
 Бир гул-да вафо гулшанида термадим-ей.
 Умрим буйи чексам-да жафосин, асло
 Кўнглимни ўзидан ўзгага бермадим-ей.

3

Кўз ёш тўкасан тунлари бедор, эй шам,
 Бағринг ўтидан ахволинг абгор, эй шам.
 Тинмай куясан – эрийсан-у йиғлайсан,
 Тарк этдими мендай сени ҳам ёр, эй шам?

4

Мени бало ўқига нишон қилди фалак,
 Кўнглимни ғаму ғуссада қон қилди фалак.
 Ўз ёру диёримдан айирди-ю мени,
 Фарёдқи, зулмини аён қилди фалак.

5

Кўзинг оч-у, холи дили зоримга қара,
 Дийдамдаги ашки шашкаторимга қара.
 Кўксимни тилиб карашма шамшири билан,
 Дардингдаги дили ярадоримга қара.

6

Эй ёр, хиром айла, қадди раънонгни кўрай!
Ол пардани – бир чехраи зебонгни кўрай!
Мастона оёғингга қўяй бошимни,
Кўзимга тўтиё хоки пойингни кўрай!

7

Ҳар канча ситам этса, қилиб зулм шиор,
Шод бўл, хуш эмасми ҳар нима айласа ёр?
Дил дардига ёр ўзи агар қилса дучор,
Бир куни ўзи унга даво бўлмоғи бор.

8

Гул боғда чечак хирманини қилди қатор,
Ҳар бир гиёҳ узра ғунчалар бўлди нисор.
Сув бўйида ниш урди гиёҳу майса,
Сув ойинасига юзини солди хумор.

9

Фазл, илму адаб – боиси шону шараф,
Дур бўлмаса бағрида йўқ кадри садаф.
То бор экан имконинг – ўтирма бекор,
То беҳуда бўлмасин азиз умр талаф.

10

Тупрокни ёриб чикқан ҳар майса, гиёҳ,
Ҳасрат сувидан нам бир киприкдир, оҳ.
Гўёки замин бандалари хоки бўлиб,
Гирён бу фалакни(нг) дастидан, бўл огоҳ.

11

Аҳдига вафони ҳийлагардан тилама,
 Роҳатни сира ситамгардан тилама.
 Ёмонлардан ёмонлик кут-у, лекин
 Яхшиликни яхшилардан тилама.

12

Ёр иш тугунин фиғон билан ечмади, дод,
 Фарёд билан бермади ҳеч менга мурод.
 Афғонки, унга қилмади афғоним асар,
 Фарёдки, бермади бир иш минг фарёд!

13

Олам узра сепини то ёйди баҳор,
 Гул шамига парвона бўлар булбули зор.
 Гул ғунча шамин ёқар чаман базми аро,
 Булбул куйи гул дардига бўлғуси мадор.

14

Фарёдки, бу чархи фалак – найрангбоз,
 Қилди юзимизга эшиги найранг боз.
 Ҳар найранги бир ҳийладан холи эмас,
 Қолди нима, билмадим, килар найранг боз¹.

15

Ёлғон сўзига учиб рақибнинг яккаш,
 Ўт урди дилимга кўнгли қаттиқ маҳваш.
 Бутун вужудим аланга ичра қолди,
 Чиқарганидек тош темирдан оташ.

¹ Бу рубоий тажнис асосига қурилган бўлиб, «найрангбоз» сузи биринчи мисрада фирибгар, иккинчи мисрада найранг эшигини очмоқ, тўртинчи мисрада эса яна найранг қилмоқ маъносида келаяпти.

16

Доим ёши кўзда шашқатордир ошик,
Оввораи чархи нобакордир ошик.
Маъшукага хос ҳамиша хотиржамлик,
Ошуфтаю зору беқарордир ошик.

17

Аллоҳга шукр, зоҳиди макқормасмиз,
Шайх аҳлидек аблаҳу риёқормасмиз.
Қаллоб бу шайху зоҳидлар каби ҳеч
Бино қўйиб ўзимизга, беормасмиз.

18

Хуш сен ила килсам бир дам сайри чаман,
Тўлдиргай эдим этакни кўз дури билан,
Бегона кўз атрофида бўлмай умуман,
Ман бўлсам-у, сан бўлсанг-у, сан бўлсанг-у, ман!

19

Дунёда жаҳолат майидан маст кўплар,
Нафси қўйига тушиб, тубан, паст кўплар.
Ҳар биттаси бир баҳонани бут айлаб,
Сажда килади, демак, бутпараст кўплар.

20

Муштоки висолинг бўлмаган борми киши?
Ҳайрони жамолинг бўлмаган борми киши?
Бечораи холинг бўлмаган борми киши?
Мафтунни ҳаёлинг бўлмаган борми киши?

The image shows a decorative title page. At the center is a white oval with a double-line border, containing the word "ҲИКМАТЛАР" in a bold, black, serif font. This oval is set against a dark, intricate, symmetrical floral and geometric pattern that resembles a stylized diamond or a four-pointed star. The entire central composition is enclosed within a rectangular frame. The corners of this frame are decorated with elaborate, swirling floral motifs. The background of the page is white, and the overall design is elegant and traditional.

Дунё денгизининг ғавҳари – ҳикмат.

* * *

Овга кодир бўлгач лочин боласи,
Бошлагани маъкул мустақил ҳаёт.

* * *

Порлок лаъл касб этгач рангу тароват,
Табиат ҳукмича тарк этар конни.

* * *

Дарахтдан баланддир меванинг кадри,
Мева азизроқдир дарахтдан асли.

* * *

Эҳтиёж қолмагач дарахтга, мева
Беҳуда дарахтни қилмайди макон.

* * *

Мақсадинг оламини олмок бўлса гар,
Ғилофга беркинма мисоли ханжар.

* * *

Қачон дилу жону тан мойили дунё бўлди,
Улар билан ўртада жанжалу ғавго бўлди.

* * *

Бани одам, биларман, ўз тилининг қадрини билмас,
Мисоли бўлмагандек конда зарра қиммати лаълнинг.

Агар хар канча илминг бўлса ҳам ўзни сана нодон,
Бўлар нодонга тенг килса агар кибру ғурур доно.

* * *

Ишонма маърифат лофини ким урса жаҳолатдан.

* * *

Куяр ким ҳирс ўтида, у, билингки, бир касал гўё,
Ёнар хар лаҳза жисми молу дунё деб ҳароратда.

* * *

Кўринмас ҳирсу тама йўлининг ҳеч хадду поёни.

* * *

Халойикка фароғат йўк агар шохи эса золим,
Сурувнинг шўридир, бўлса агарда бўри чўпони.

* * *

Ўзинг, эй шохи золим, урма тахтинг пойига болта,
Сенга деб парвариш этмиш дарахтни казо дехкони.

* * *

Агар кўнглингда нашъа бўлса, килма зое хар завкка,
Агар бўлса кўлингда гавҳаринг, ҳеч сотма арзонга.

* * *

Юлиб кофир кўлидан молини, дейсан: ҳалолдир бу,
Мусулмон ҳаққини емоқлигинг унда нечук бўлгай?

Фузулий, йўқ вафо имкони олам аҳлида ҳеч ҳам,
Улардан кўл ювиб кетганлигим беҳудамас, билсанг.

* * *

Утганлар сўзини дунё лавҳига
Бир-бир ёздилар, йўқ ўқишга доно.

* * *

Бу дунё ғамига асирмиз барча,
Ундан ҳиммат отин сакратган мард йўқ.

* * *

Фузулий, дил берма дунё мулкига,
Бунга келган кўпдир, лекин қолган йўқ.

* * *

Муштокликдан баттар жабр йўқ дунёда.

* * *

Ёр юзин кўришга рақиб бермас йўл,
Дунёда тикансиз гул йўқ, не қилай?

* * *

Ҳурлар ишки ҳосили телбаликдан бошқамас,
Эй дил, агар оқилсан, бўлма уларга банди.

МУНДАРИЖА

Туркий халкларнинг муштарак шоири	5
Ғазаллар	22
Таржеъбандлар	311
Таркиббанд	319
Мухаммаслар	323
Мусаддас	330
Мураббаълар	333
Маснавий	340
Қитъалар	344
Рубойлар	357
Ҳикматлар	371

«Форсий девон»дан

Ғазаллар	380
Қитъалар	416
Рубойлар	422
Ҳикматлар	427

ФУЗУЛИЙ

Қалб гавҳари

Туркман ва форс тилларидан
Эргаш ОЧИЛОВ таржимаси

«HILOL-NASHR» нашриёти
Тошкент — 2014

Мухаррир: *Аҳмад Муҳаммад*
Бадий муҳаррир: *Абдулбосит Қамбаров*
Техник муҳаррир: *Минсур Қажмов*
Саҳифаловчи: *Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ*
Мусахҳих: *Ёрқинжон Ҳайдаров*
Мукова дизайнери: *Рашиан Малик*

Нашр лицензияси № АІ 235, 11.02.2013 йил.

Босишга рухсат этилди 07.11.2014 Бичими 60x90 $\frac{1}{16}$,
Times New Roman гарнитураси. Офсет босма. Босма табағи 27.
Шартли босма табағи 12.55. Адади 1000 нусха.
Буюртма № 54. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Hilol-Nashr» нашриёт-матбааси
100185, Тошкент шаҳри, Сугалли ота, 5
Тел. (99871) 2175999, факс (99871) 2175478
<http://hilolnashr.uz> e-mail: info@hilolnashr.uz

Мумтоз адабиёт
дурдоналари



ISBN 978-9943-4448-3-6



9 789943 444836